



# XASR



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган, e-mail: asbort@xasr.org, web sayt: www.21asr.uz

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

2012 йил 9 август, пайшанба, 32-(456)-сон



**Фармон ислохотлар изчиллигини таъминлашга хизмат қилади**

**3** ИСЛОХОТ



**Ташаббус ҳам, реал натижа ҳам кучли қуйи бўғинлар фаолиятига боғлиқ**

**5** МАСЪУЛИЯТ



**Харбий тўқнашувлар натижасида 2 млн.дан зиёд вояга етмаган болалар қурбон бўлишган**

**7** ХАЛҚАРО ҲАЁТ

**Партиявий лойиҳа**



**O'zLiDeP ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛАРГА КЎПРИК БЎЛАЯПТИ**

O'zLiDeP томонидан «Мустақкам оила йили» да кўзда тутилган лойиҳаларнинг ҳаётга тўла татбиқ этилиши мамлакатимизда тадбиркорлик ва кичик бизнесни янада ривожлантириш имкониятларини кенгайтирмоқда.

Партия фаолларининг фикрича, бу лойиҳалар «ислохотларни амалга ошириш борасидаги стратегик йўлни қўллаб-қувватлаймиз» қабилидаги умумий гаплардан кўра, дастур ижросини таъминлашга реал ҳисса қўшишга йўналтирилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Биргина Марказий банк, «Микрокредитбанк» ва бошқа тижорат банклари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган «Мулкдор оила» лойиҳаси доирасида 1300 дан ортиқ оилавий тадбиркорлик (деҳқон хўжаликлари) субъектларига қўшимча равишда паррандачилик, асаларчилик, балиқчилик, иссиқхона хўжаликлари ҳамда боғдорчиликни ривожлантириш учун 3 млрд. 500 млн. сўм миқдорда кредитлар ажратилиши ва 4 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилганини таъкидлаш мумкин.

**«Аёллар қаноти»**



**АНДИЖОНДА ИШБИЛАРМОН АЁЛЛАРГА АЛОХИДА ЭЪТИБОР**

Хотин-қизлар фаоллигини ошириш, уларни ижтимоий-сиёсий жараёнларга кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратаётган «Аёллар қаноти» ва унинг жойлардаги бўғинлари «Мустақкам оила йили» да ҳам бир қатор муҳим тадбирларни амалга оширмоқда.

«Мустақкам оила йили» муносабати билан «Аёллар қаноти»нинг «Оилавий тадбиркорликдан — мустақкам оилага» лойиҳаси доирасида Андижонда ўтказилган навбатдаги тадбир «Қулай ишбилармонлик муҳити — тадбиркорликни ривожлантиришнинг муҳим омил» мавзусига бағишланди.

## Концепция тасдиқланди

Президентимиз Ислам Каримов томонидан қонунчилик ташаббуси асосида парламентга киритилган «ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТАШҚИ СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди



сиёсат соҳасида концептуал ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш борасидаги ривожланган давлатлар тажрибаси диққат билан таҳлил этилгани ва ўрганилганини таҳлилчилар ҳам алоҳида эътироф этмоқдалар.

Зеро, муҳим ҳужжатда минтақамизда ва халқаро майдонда вужудга келаётган ҳозирги вазият, мамлакатимиз ён атрофида

миз томонидан қабул қилинган халқаро шартномалар инвентаризация қилинганини таъкидлаш мумкин.

Маълумки, мамлакатимиз олиб бораётган ташқи сиёсатнинг таг-томирида бугун ҳеч кимга сир бўлмаган ягона мақсад мужассам. У ҳам бўлса, мустақиллигимизни янада мустақкамлаш, миллий хавфсизликни таъминлаш, Ўзбекистон

**ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ КОНЦЕПЦИЯСИ**

— БУ ДАВЛАТИМИЗ ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ ФУНДАМЕНТАЛ ПРИНЦИПЛАРИ ВА СТРАТЕГИК УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ, ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ, МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРИ ВА УЛАРНИ ИЛГАРИ СУРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРУВЧИ ЎРТА ВА УЗОҚ ИСТИҚБОЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ҚАРАШЛАРИНИНГ ЯХЛИТ ТИЗИМИДИР.

халқаро муносабатлар тизимидаги ўрни ва ролини янада мустақкамлаш, жаҳон сиёсати ва иқтисодиётида юз бераётган шилдатли ўзгаришлар давлатимиз ташқи сиёсатининг концептуал асосларини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Шу маънода мазкур Концепция, энг аввало, Ўзбекистоннинг истиқлол давридаги 21 йиллик таъриқий ва ўзбек давлатчилигининг бой тарихий тажрибасини инобатга олган ҳолда тайёрланганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Концепцияда ташқи

шаклланаётган мураккаб геосиёсий шарт-шароитларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда Марказий Осиёнинг хавфсизлик ва барқарор ривожланишини таъминлаш билан боғлиқ долзарб масалалар ҳисобга олинган. Бу масалаларнинг барчаси Ўзбекистон миллий манфаатлари нуктаи назаридан кўриб чиқилган.

Шу билан бирга Концепцияда мамлакатимизнинг ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ва бошқа ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар, давлати-

ва яна бир бор Ўзбекистон манфаатидан келиб чиққан ҳолда қарорлар қабул қилишидир. Барча сий-ҳаракатларимиз фақат ана шу эзу мақсади амалга оширишга қаратилган, десак муболаға бўлмайди.

Шу маънода «Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши бу борадаги интилишларимизни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришда мустақкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.



**Равшан АСКАРОВ**, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

— Мазкур ҳужжат миллий хавфсизлигимизни янада мустақкамлаш, барқарор тараққиётни таъминлаш, иқтисодий ўсишнинг юқори кўрсаткичларини сақлаб қолиш, юртимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ҳамда фуқаролик жамиятига асосланган эркин демократик давлат қуриш вазифаларини амалга оширишни давом эттириш учун имкон қадар қулай ташқи шароитларни яратиш талабларига тўла жавоб беради.

Концепциянинг мазмуни ва қоидалари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар тўғрисида»ги қонуни, давлатимизнинг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, шунингдек, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»га асосланади, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган норма ва принципларига, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми, Инсон ҳуқуқлари ҳақидаги умумжаҳон декларацияси, Халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги декларация, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг Хельсинки яқиний актига ва бошқа тегишли ҳужжатларга мос келади.

Хуллас, «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолияти Концепцияси» — бу давлатимиз ташқи сиёсатининг фундаментал принциплари ва стратегик устувор йўналишлари, халқаро майдондаги мақсад ва вазифалари, миллий манфаатлари ва уларни илгари суриш механизмларини белгилаб берувчи ўрта ҳамда узоқ истиқболга мўлжалланган қарашларнинг яхлит тизимидир.



**ШУ СОНДА:**

**СИЁСАТШУНОС ОЛИМЛАР ВА ТАҲЛИЛЧИЛАР «ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТАШҚИ СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ КОНЦЕПЦИЯСИ»НИ ХАЛҚИМИЗ ТИНЧЛИГИ, КЕЛГУСИ АВЛОД ОСОЙИШТА ТУРМУШ КЕЧИРИШИНING МУСТАҚКАМ КАФОЛАТИ, ДЕЯ БАҲОЛАМОҚДАЛАР**



Салом ЗОИР олован суради

## Сайлов тизими такомиллаштирилмоқда

**O'zLiDeP фракцияси аъзолари «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқулладилар**

Фракция йиғилишида ушбу қонун лойиҳаси «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» талабларидан келиб чиққан ҳолда тайёрланиб, парламент қўйи палатасидаги бир гуруҳ депутатларнинг қонунчилик ташаббуси асосида кун тартибига киритилаётгани таъкидланди.

— Мазкур қонун лойиҳаси Марказий сайлов комиссияси аъзолари, те-

гишли вазирлик ва идораларнинг экспертлари, сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда кенг жамоатчилик иштирокида атроф-ича муҳокама қилинди. — деди йиғилишда ташаббускор гуруҳ аъзоларидан бири, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Аҳмад Сайлов.

**ЯРИМ ЙИЛДА 29,9 МЛН. ТОННА**

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компанияси тарқатган хабарларга кўра, шу йилнинг биринчи ярмида темир йўл станцияларидан 29,9 миллион тонна юк жўнатилган. Юк айланмаси 11,6 миллиард тонна-километри, яъни ўтган йилнинг йили даврига нисбатан 104,1 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, 8,6 миллион нафар йўловчи ўз манзилига етказилган. Бу борада истиқлол йилларида бунёд этилган транспорт-коммуникация йўлакларидан «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрган» темир йўли алоҳида ўрин тутади. У мамлакатимиз жанубий ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маълумотларга кўра, ҳисобот даврида мазкур ҳудуддан 3,3 миллион тоннадан зиёд махсулот ташилган бўлса, унинг 1,9 миллион тоннаси транзит юкларидир. Бу рақамлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 баробар кўп юк олиб ўтилганини кўрсатади.

**O'zLiDeP фракциясида**

## Янги қонун ўрта синф манфаатига хизмат қилади



Салом ЗОИР олован суради

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида республика Бош прокурори томонидан қонун ташаббускорлиги ҳуқуқи асосида тайёрланган «Хуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси концептуал жиҳатдан маъқуллади**

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур қонун ишлаб чиқилгунга қадар ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси субъектлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий механизмлари талаб даражасида мустақкамланмаган эди. Бу эса айни пайтда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бутун тизимини ташкил этишда ягона ёндашувнинг мавжуд эмаслигига олиб келаётганди.

# Парламентга

## Сайлов тизими такомиллаштирилмоқда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Озод РАЖАБОВ,  
«XXI ASR»

— Жумладан, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида шу мавзуда 30 дан зиёд семинар ва давра суҳбатлари, 2 та халқаро конференция ўтказилиб, уларда билдирилган 80 дан ортиқ тақриф ва тавсиялар умумлаштирилди. Бундан ташқари, қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида АҚШ, Канада, Германия, Франция, Испания, Жанубий Корея ва Япониянинг сайлов қонунчилиги таъминлаш таъминлаш мақсадида айнан «сайловчи ташвиқоти» тушунчасига аниқ таъриф берилгани эътиборга моликдир. Бу тушунча «сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни депутатликка номзод ёки сиёсий партия учун овоз беришга ундашга қаратилган фаолият» сифатида белгилаб қўйилмоқда.

Қонун лойиҳасига сайлов куни ва сайлов бошланишидан бир кун олдин сайловчи ташвиқоти йўли қўйилмаслиги ҳақидаги норма ҳам киритилмоқда. Тақриф этилаётган бу норма сайловчиларга ўз нуқтаи назарини аниқлаштириш, қайси сиёсий йўлни маъқул деб топиш, ким учун овоз бериш тўғрисидаги масала юзасидан онгли қарор қабул қилиш учун қўшимча вақт берилишини назарда тутди. Шунингдек, янги норма овоз бериш арафасида турли суиистеъмолликлар ва қўрибўзарликларнинг олдини олишга ҳам хизмат қилади.

— Шу ўринда бир нарсанига алоҳида эътибор қаратиш керак, — деди О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Фахриддин Солиев. — Маълумки, сайловчи ташвиқоти асосан оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилади. Бугун замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жадал тараққий этаётгани, хусусан, интернетдан фойдаланувчилар доираси кундан кунга кенгайиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда, сайловчи ташвиқоти мазкур глобал тармоқдаги сайтларда ҳам



Солиев Фахриддин Солиев

сайловдан бир кун олдин тўхтатилишини аниқлаш механизмини ишлаб чиқиш долзарб масалалар.

Сайловчи ташвиқотининг самардорлигини ошириш мақсадида 2004 ва 2009 йиллардаги сайлов кампанияларининг чуқур таҳлилидан келиб чиқиб, қонун лойиҳасида сайловчи ташвиқоти олиб бориш турлари, шакллари ва усуллари белгилаб қўйилмоқда. Чунинчи, сиёсий партиянинг ўз номзодлари учун овоз беришга даъват эълон қилиш тартиби, шунингдек, кузатувчиларга ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига сайлов буйича конференциясида иштирок этиш ҳуқуқи ҳам берилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши сайлов эркинлиги принципини тўлиқ амалга ошириш, сайлов тизимини янада демократлаштириш, сиёсий партияларга тенг шaroитлар яратиш ҳамда сайловнинг ошқора ва очиқ-ойдинлигини таъминлашга хизмат қилади.

— Оммавий ахборот воситалари, жумладан, телевидениедан фойдаланиш, босма, кўргазмалар, аудиовизуал материалларни чиқариш ва тарқатиш сайловчилар билан учрашувлардаги ташвиқотнинг кенг қўлланиладиган усуллари, — деди О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Тўлқин Турсунов. — Депутатликка

номзодлар, сиёсий партиялар сайловчи ташвиқотининг қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа тури, шакли ва усулларида ҳам фойдаланишлари мумкин.

Амалдаги қонунчиликка биноан, сайлов куни ўз яшаш жойида бўлмайдиган сайловчи участка сайлов комиссиясидан сайлов варақасини талаб қилиб олиш ва қайси номзодга овоз бериши ҳақидаги қарорини ёпиқ конвертда қолдириш ҳуқуқи эга. Бироқ унда бу жараёнинг аниқ мудатли ҳамда тартиб-таомил белгиланмаган. Янги нормага кўра, мудатли овоз берилган сайловдан олдин овоз бериш сайловдан 10 кун аввал бошланиши ва сайловга бир кун қолганда тўхтатилиши назарда тутилмоқда. Қонун лойиҳасида, шунингдек, кузатувчиларга ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига сайлов буйича конференциясида иштирок этиш ҳуқуқи ҳам берилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши сайлов эркинлиги принципини тўлиқ амалга ошириш, сайлов тизимини янада демократлаштириш, сиёсий партияларга тенг шaroитлар яратиш ҳамда сайловнинг ошқора ва очиқ-ойдинлигини таъминлашга хизмат қилади.

### Сиёсий таълим

## Мавзу долзарблигича қолмоқда

О'зЛиДеР Қашқадарё вилоят кенгаши ташаббуси билан «Одам савдосига қарши кураш — долзарб вазифа» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди

Қарши шаҳрининг Ойдин ва Пахтазор-1 маҳалла фуқаролари, ёшлар ва тadbirkorлар иштирокидаги учрашууда «Сиёсий таълим маркази» раҳбари ўринбосари Ботир Мусурмонов, Қарши шаҳар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Холмирза Болтаев, Меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш Қашқадарё вилоят бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари Шермамет Холов сўзга чиқдилар.

Маълумки, инсоният ўз тараққиёти давомида турли хавф-хатарларга дуч келган ва уларга қарши курашган. Афсуски, XXI асрга келиб ҳам бундай хатарлар камаймаётганига гувоҳ бўлаётимиз. Рақамларга эътибор берсак, сўнги 30 йилда Осиё давлатларида қўлликка

маҳжум этилган аёллар ва болалар сони 30 млн. дан ортиқни ташкил қилган. Бу эса трансмилий жиноят сифатида эътироф этилаётган одам савдосига қарши курашишни янада кучайтириш, аҳоли ўртасида тарғибот ишларини изчил йўлга қўйишни талаб этмоқда.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, бу борада О'зЛиДеР тузилмаларининг асосий вазифаси тadbirkorлик фаолиятини кенг ёйиш орқали одамларни фойдали меҳнатга жалб қилишдир.

Тadbirkor одам савдосига қарши кураш партиянинг асосий йўналишларидан бирига айлангани таъкидланиб, О'зЛиДеР вилоят кенгашининг келгусидаги вазифалари белгилаб олинди.

### Электорат фаолиятдан

## РАБОТИҚАЛМОҚДА ЯНА БИР САНОАТ ҚОРХОНАСИ

Работиқалмоқ қишлоғида кир ювиш кукуну ишлаб чиқарадиган «Вихого Shetun Kallyan» МЧЖ ишга туширилганидан сўнг Бухоро туманида хорижий сармоядорлар ҳамкорлигида ташкил этилган қўшма корхоналар сони 4 тага етди.

Аҳамиятли томони шундаки, Россия, Англия ва Франция компаниялари инвестициялари, шунингдек, «Капиталбанк»нинг Бухоро филиали томонидан ажратилган 150 млн. сўмлик кредит ҳисобига ташкил этилган корхонада 33 та янги иш ўрни яратилди.


Бир кунда 10 тонна кир ювиш кукуну ишлаб чиқарадиган корхона жаммаси ўз маҳсулотини яқин келажакда хорижа экспорт қилишни режалаштирган. Шу ўринда «Вихого Shetun Kallyan» МЧЖ бир қатор буюртмачилар билан йил охиригача 500 минг АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулотни етказиб бериш бўйича шартномалар имзолаганини айтиб ўтиш жоиз.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀



Сурайё ОДИЛХУЖАЕВА,  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати,  
О'зЛиДеР фракцияси аъзоси:

— Концепцияда дунёдаги халқаро муносабатларнинг бугунги аҳволига батафсил тавсиф берилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ҳужжатда, шунингдек, хавфсизликка раҳна солаётган аъёнани таъҳидлар турининг кенгайиб бораётгани, Ўзбекистон чегаралари яқинида кескинлик ва танглик ўчоқларининг сақланиб қолаётгани, дунёнинг бизга яқин бўлган минтақаларида янги қуроли можазолар ва киргинбарот низолаарга олиб келувчи вазиятларнинг кўпайиб бориши хавфи мавжудлиги таъкидланган. Дунёда муттасил давом этаётган геосиёсий қарама-қаршиликлар, тобора жадал тус олиб бораётган «геосиёсий рақобат» ҳолатлари жаҳондаги кескинлик ва стратегик мавжумлиқни кучайтираётганлигига Концепцияда алоҳида эътибор қаратилган. Унда глобаллашув жараёни изчил ва орқага қайтариб бўлмаас хусусият касб этгани таъкидланган экан, унинг бир томондан, давлатларнинг ривожланиши учун қулай имкониятлар очиб бериш, иккинчи томондан эса иқтисодий, энергетика, экология, озиқ-овқат билан таъминлаш, ахборот алмашиш, гуманитар хавфсизлик соҳаларида турли хавф-хатарлар тугдираётгани эътироф этилган.



Барно АБДУЛЛАЕВА,  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати,  
О'зЛиДеР фракцияси аъзоси:

— Концепцияда Марказий Осиё минтақасига алоҳида диққат-эътибор қаратилган ва «Ўзбе-

— Концепцияда Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий принциплари қайд этилиб, жумладан, қуйидагиларга алоҳида эътибор берилган:

— дунёда тинчлик ва хавфсизликни сақлашга, умумэътироф этилган халқаро норма ва принципларга риоя этишга содиқлик;

— мафкуравий қарашлардан қатъий назар, ҳамкорлик учун очилдик;

— тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, давлатларнинг суверенитети, ҳудудий ахиллиги, чегаралари дахлсизлиги, ички ишларга аралашмаслик, низолаарни тинч йўл билан ҳал этиш, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид солмастик.

Маълумки, Ўзбекистон прагматик, оқилона ва мақсадга мувофиқ сиёсат юритиш тарафдорлиги бўлиб, ташқи сиёсатнинг мақсад ва вазифалари давлатнинг узоқ мудатли манфаатларига, унинг ресурслари ва салоҳиятига мос келиши принципларига содиқ қолади.

Принципал аҳамиятга эга

бўлган қуйидаги қоида ҳам Концепцияда «муҳрлаб» қўйилган: Ўзбекистон Республикаси давлатининг, халқнинг олий манфаатлари, унинг фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадларидан келиб чиқиб, мамлакатни модернизация қилишнинг устувор йўналишларига, амалдаги миллий қонунчилик ҳамда қабул қилинган халқаро мажбуриятларга риоя қилган ҳолда иттифоқлар тузиш, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатларга тузилмаларга кириш, шунингдек, улардан чиқиб ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Ўзбекистон тинчликсевар сиёсат юритиши ва ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмайди, ҳар қандай давлатларга тузилмалар ҳарбий-сиёсий блока айланган тақдирда, улардан чиқиб ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Ўзбекистон ўзининг қўшни давлатлардаги қуроли можазоларга ва қарама-қаршиликларга тортилишини олдини олиш учун тегили чора-тадбирларни кўради. Концепцияда алоҳида таъкидлан-

раётгани кўрсатилган.

Айниқса, минтақадagi трансчегаравий дарёларнинг сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш муаммоси ҳамон ҳал этилмаётганлигига алоҳида ургу берилган. Минтақадagi яшайётган миллионлаб кишиларнинг соелигига, аҳоли генотипига оғир зиён етказётган мураккаб экологик муаммолар, хусусан, Орол денгизи қуришининг ҳалокатли оқибатлари, катта корхоналарнинг саноят чиқиндилари трансчегаравий сув ресурсларини ифлослаштириши ва атроф-муҳитни захарлаши — Марказий Осиёнинг фаровонлиги ва барқарор тараққий этиши учун тобора хавфли тус олиб

## ЎЗБЕКИСТОН МИНТАҚАДАГИ БАРЧА ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРНИ ЎЗARO МУРОСА ВА МАНФААТДОРЛИК, БИР-БИРИНИНГ ИЧКИ ИШЛАРИГА АРАЛАШМАСЛИК ПРИНЦИПЛАРИГА АСОСЛАНГАН ҲОЛДА, ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИГА МОС РАВИШДА ҲАЛ ЭТИШ ТАРАФДОРИДИР.

кстоннинг ҳаётий муҳим манфаатлари шу минтақа билан боғлиқ эканлиги белгилаб қўйилган. Жумладан, Марказий Осиё ўзининг муҳим геосиёсий жойлашуви ва минерал-хомашё ресурсларининг улкан захираларига эга эканлиги туфайли жаҳон миқёсида кучли эътибор объектига, энг йирик давлатларнинг стратегик манфаатлари тўқнашадиган ҳудудга айланиб бораётгани таъкидланган. Йирик давлатлар Марказий Осиё давлатларининг ўз ривожланиш модели ва сиёсий йўлини белгилашга таъсир ўтказишга уринаётгани, минтақадagi ўз мақсадларини кўзлаётган ташқи кучларнинг ўзаро рақобати кучайиб бо-

бораётгани алоҳида таъкидланган.

Бундан ташқари, мазкур ҳужжатда минтақадagi очик денгиз ҳавзаларига чиқишга имкон берувчи транспорт-коммуникация инфратузилмасининг чекланганлиги ва унинг бир-бири ўртасида боса олувчи мубоил йўналишлар тизими йўқлиги Марказий Осиё давлатларининг барқарор иқтисодий ўсиш истиқболларига салбий таъсир ўтказётганига жиддий эътибор қаратилган.

Қўшни мамлакатлар ўртасидаги давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш жараёни ҳали ҳам тугалланмагани Марказий Осиёдаги вазиятнинг мураккаблашуви оғир келаётгани, чегаралош давлат-



Бахтиёр ЯКУБОВ,  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари,  
О'зЛиДеР фракцияси раҳбари:

ганидек, Ўзбекистон ўз ҳудудда хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари ва объектлари жойлаштирилишига йўл қўймайди. Мамлакат Қуроли Қучларининг шакллантирилишидан қўзланган бирдан-бир мақсад — давлат суверенитетини ва ҳудудий ахиллигини, аҳолининг тинчлиги ва хавфсизлигини муҳофаза қилишдан иборат. Ўзбекистон Қуроли Қучлари хориждаги тинчликпарварлик амалиётларида иштирок этмайди.

лар орасида айрим масалаларни, уларнинг ҳужалик субъектлари ўртасидаги долзарб муаммоларни ҳал этишда қўйинчиликлар тугдираётгани эътироф этилган.



Собир ЖАББОРОВ,  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати,  
О'зЛиДеР фракцияси аъзоси:

— Шу ўринда алоҳида қайд этиш керакки, Концепцияда Ўзбекистон ўз қўшниларига нисбатан прагматик ва шу билан биргаликда очик, дўстлик ва яхши қўйинчилик принципларига асосланган сиёсат олиб бориши белгилаб қўйилган. Ўзбекистон минтақадagi барча долзарб масалаларни ўзаро муроса ва манфаатдорлик, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик принципларига асосланган ҳолда, халқаро ҳуқуқ нормаларига мос равишда ҳал этиш тарафдоридир. Марказий Осиё муаммолари ташқи кучларнинг аралашувисиз минтақадagi давлатларнинг ўзлари томонидан ечилимоғи зарур.

Концепцияда Афғонистонда сақланиб қолаётган оғир ва мураккаб шaroитга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур мамлакатда ва вазиятнинг барқарорлашувида барзанд тинчлик ўрнатилишига эришмасдан туриб, халқаро ко-

### О'зЛиДеР фракциясида

## Янги қонун ўрта синф манфаатига хизмат қилади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Фахриддин КОМИЛОВ,  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати,  
О'зЛиДеР фракцияси аъзоси:

— Ана шундай муаммолар ва соҳа фаолияти асосларини мустаҳкамлайдиган нормалардаги бўшлиқларни тўлдиринишга хизмат қилувчи янги қонун замиридаги асосий гоя ҳуқуқбузарликлар олдини олишнинг кўп қиррали тизимини амалга ошириш принципини негизда давлат тузилмалари, ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари учун ҳуқуқбузарликлар профилактикаси қонуний асосини мустаҳкамлашдан иборатдир.

— Ана шундай муаммолар ва соҳа фаолияти асосларини мустаҳкамлайдиган нормалардаги бўшлиқларни тўлдиринишга хизмат қилувчи янги қонун замиридаги асосий гоя ҳуқуқбузарликлар олдини олишнинг кўп қиррали тизимини амалга ошириш принципини негизда давлат тузилмалари, ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари учун ҳуқуқбузарликлар профилактикаси қонуний асосини мустаҳкамлашдан иборатдир.

Амалда қўлланилаётган ҳуқуқий база таҳлиллари ҳам ҳозирги кунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалалари айрим қонун нормалари, ҳуқуқ қорорлари, идоравий ҳужжатлар билан тартибга солинаётганини кўрсатапти. Бу эса ўз-ўзидан мутасадди ташкилотларга ўз ҳаракатини мувофиқлаштириш ва самардорлигини таъминлаш имконини бермаёт-

ганидек, ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқаруви сабаблар ва уларнинг эодир этилишига имкон берувчи шартшaroитларни аниқлаш, ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш чораларини амалга оширишга йўналтирилган умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виқтимологик профилактика ташкил этиши ва амалга ошириш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари фаолиятини тартибга солишга хизмат қилади.

Амалда қўлланилаётган ҳуқуқий база таҳлиллари ҳам ҳозирги кунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалалари айрим қонун нормалари, ҳуқуқ қорорлари, идоравий ҳужжатлар билан тартибга солинаётганини кўрсатапти. Бу эса ўз-ўзидан мутасадди ташкилотларга ўз ҳаракатини мувофиқлаштириш ва самардорлигини таъминлаш имконини бермаёт-

ган эди. Бош прокурор ташаббуси билан киритилган қонун эса ана шундай камчиликларга барҳам бериб, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг вазифа ва ваяолатларини аниқ белгилаб бермоқда. Маълумки, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий йўналишларига одам савдоси ва ахлоқ-оодоб доирасида, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар кирди.

Қонун лойиҳасида, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг қонун доирасида иш олиб бориши ва ундан четта чиқишга йўл қўйилмаслигига ҳам алоҳида ургу берилган.

Энг асосий эса қонун лойиҳасининг жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибин сақлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси оид

амалдаги қонунчиликни модернизация қилишга қаратилгандир. Зеро, мазкур лойиҳа мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш стратегиясига уйғун бўлиб, айна пайтда юзага келаётган янги таҳдидлар ва хавф-хатарларнинг олдини олишга ҳам хизмат қилади.

Қонуннинг қабул қилиниши давлат тузилмалари билан турли жамоатчилик институтлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлиқни такомиллаштириш имконини беришини ҳам таъкидлаш жоиз.

Қонун лойиҳасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг йўналишлари ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органларнинг ваяолат доиралари аниқ белгилангани О'зЛиДеРнинг Сайловчи дастури, тadbirkorлар ва ишбилармонлар манфаатига

мос келишини айтиш ўринлидир. Чунки янги қонун «Тadbirkorлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун ва тadbirkorликка таалуқли бўлган бошқа қонун ҳужжатларининг тўлақонли ишлаши учун ҳам қулай шaroитлар яратди. Янги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси билан шуғулланувчи субъектлар фаолияти мазкур қонун билан тартибга солинмоқда ҳамда ҳар бир субъект ваяолатлари аниқ белгилаб берилмоқда. Бу эса мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, албатта. Зеро, қаерда тинчлик ва осойишталик бўлса, уша ҳудудда иқтисодийни жалал ривожлантириш, ишбилармонлик учун қулай муҳит яратилади. Шу боисдан мазкур қонун О'зЛиДеР фракцияси аъзолари томонидан тўла маъқулланди.

# Фармон Ва ижро

## Имтиёздан — юксак масъулиятга

### Президентимизнинг «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»га фармони соҳада ислохотларни янги bosқичга кўтариш баробарида тизим ходимларининг масъулиятини ҳам оширади

**Тўлқин ТУРСУНОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг  
Конунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси  
ўринбосари, O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Ушбу фармонда судьялар меҳнатини моддий рағбатлантириш суд органлари ходимларининг ижтимоий маълумоти муҳофаза қилиш масаласига баркамол янги ён қаратилади. Судьяларнинг ҳаётини яхшироқ қилиш мақсади билан судьяларнинг меҳнатини моддий рағбатлантириш суд органлари ходимларининг ижтимоий маълумоти муҳофаза қилиш масаласига баркамол янги ён қаратилади. Судьяларнинг ҳаётини яхшироқ қилиш мақсади билан судьяларнинг меҳнатини моддий рағбатлантириш суд органлари ходимларининг ижтимоий маълумоти муҳофаза қилиш масаласига баркамол янги ён қаратилади.

лардан ҳисобланади. Шунга қўра, фармонда судьяларга имтиёзли шартлар асосида уй-жой сотиб олиш учун узоқ муддатли ипотека кредитлари ажратиш, турар-жойлар ижараси учун компенсация тўла бериш нозарида тутадиган тартибни тасдиқлаш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилганлиги эътиборга сазовордир.

Шунингдек, суд тизими соҳасини етук кадрлар билан таъминлаш, улар малакасини ошириб бориш ҳар доим ҳам долзарб аҳамиятга эга бўлган боис фармонда судьялик лавозимларига биринчи мартаба тайинланган шахсларни тегишли равишда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш марказида, Олий суд ва Олий ҳўжалик судида мажбурий тайёргарлик ва стажировка ўташларини назарда тутувчи меъёр ҳам қўзда тутилган.

Фармонда яна бир муҳим масала, мутасадди вазирлик ва идораларга юридик таълимни такомиллаштириш ва ҳуқуқшунослик

фанини ривожлантириш, замонавий талабларга жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти самардорлигини ошириш бўйича тақдирлар киритиш ҳам белгилаб қўйилди.

Бир сўз билан айтганда, ушбу фармон суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларнинг мантиқий ва тадрижий давоми бўлиб, мамлакатимизда суднинг мустақиллигини янада мустаҳкамлашга, суд органлари ходимларининг ижтимоий мақомини муҳофаза қилишни кучайтиришга, судьяларнинг билими ва касбий маҳоратини, шунингдек, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти самардорлигини оширишга хизмат қилади. Пировард натижада эса фуқароларнинг қонуний манфаатларини адолатли ҳимоя этиш, миллий қонунчилигимизни дунё стандартларига, халқаро ҳуқуқ нормаларига ва принципларига мослаштириш учун кенг имкон яратилади.

## Фармон ислохотлар изчиллигини таъминлашга хизмат қилади

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони мамлакатимизда суд ҳокимиятидек муҳим институтни янада мустаҳкамлаш, унинг мақоми ва нуфузини ошириш, соҳа фидойиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган юксак эътибор намунаси бўлди

**Давлатёр ХУДОЙБЕРГАНОВ,**  
Қорақалпоғистон Республикаси жамоат ишлари бўйича Олий суди судьяси

Истиқдолнинг 21 йили давомида мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва демократик жамият барпо этиш асосида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасида дадил қарарлар қўйилганини халқаро экспертлар ҳам эътироф этганлар бежиз эмас. Асосий Қонунимизнинг 11-моддасида белгиланган «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чикарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципи асосланади» деган қоида бу ислохотларга туб мазмун бахш этди. Конституцияимизнинг бир боби, 11 та моддаси тўғрисида қонун тизимига бағишланганини алоҳида таъкидлаш мумкин эмас. Бош Қомусимизнинг 106-моддасида «Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чикарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади», 112-моддасида эса «Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсундилар. Судьяларнинг одил судловини амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашушга йўл қўйилмайди ва бундай аралашуш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан қанчалар ҳам қўллаб-қувватланади» деб эъланлангани ҳам юқоридики хулосаларни тўла тасдиқлайди. 2008 йилдан бошлаб мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилиниши, айбланувчиларни қаноқда сақлаш ваколатининг судларга берилиши ва жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши билан боғлиқ бошқа янги қоидалар жаҳон миқёсида эътироф этилмоқда.

Мустақиллик шарофати билан биз, судьялар фақат Конституция ва қонунларга бўйсундилар, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини, шаъни, ор-номуси, нуфузи ва мулкни, қорхона, муассаса, таъкилотлар ҳуқуқи ва манфаати ҳимоясини таъминлаш имконига эга бўлди. Қолаверса бизда махсус олий маълумоти, ҳаётини ва касбий таърибаси, юксак лаёқати ва одоби бор кишилар малакали сўхбат ва имтиҳонлардан ўттичиган номзод сифатида Президент ҳузуридаги Олий малака комиссиясига тав-

сия этилади. Ана шундай юзлаб малакали инсонлар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, умумий юрисдикция судлари ва ҳарбий судлар тизимида ҳалол профессионал фаолият билан шуғулланмоқдалар. Фармонда конституциявий суд, умумий юрисдикция ва ҳўжалик судлари судьяларининг моддий ва ижтимоий таъминотини тубдан яхшилаш, оладиган даромадларини жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ тўловидан озод қилиш, уларга имтиёзли шартлар асосида уй-жой сотиб олиш учун узоқ муддатли ипотека кредитлари бериш, турар-жойлар ижараси учун муайян компенсациялар тўлаш белгиланган. Шунингдек, фаолиятимизга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ҳарбий этиш бўйича белгиланган чоралар ҳам узоқни қўллаб амалга оширилмоқда.

Яширишнинг кераги йўқ кейинги пайларда судьялар корпусига янги, ёш кадрлар кириб келди. Шундай ҳолларда жамоатчилик орасида «Хали ҳаётини ва касбий таърибига эга бўлмаган ёшлар шу вазифани тўла-тўқис уддалай олинсаларми?» деган саволлар ҳам пайдо бўлгани рост. Ҳақиқатан ҳам ёш кадрлар орасида чўқур билими, юксак малакали кадрлар кўп. Аммо фармонда судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланган (сайланган) шахсларнинг тегишли равишда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш марказида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик судида мажбурий тайёргарлик ва стажировка ўташларини назарда тутилгани айни мўлақ бўлди. Шунинг билан биргаликда фуқаролик ишлари бўйича судлар тизимини оптималлаштириш чоралари кўрилатгани ҳам мақсадга мувофиқдир. Хулоса қилиб айтганда, фармон Президентимиз Ислам Каримов томонидан халқимиз ҳаётини юқори даражага кўтаришга, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятининг ривожлантириш Концепциясида белгиланган олижаноб мақсадларга, эркин ва обод Ватан равақига, озод, таъбиркор, юксак маънавиятли инсонларнинг туб ижтимоий-иқтисодий манфаатларига хизмат қилишга қаратилгани билан ҳам ниҳоятда аҳамиятлидир.

# Тасдиқланди

алиция кучларининг 2014 йили олиб чиқиб кетилиши — минтақада олинган кўра билиш қийин бўлган оқибатларга олиб келиши мумкинлиги қайд этилган.

Концепцияда Ўзбекистоннинг қўшни Афғонистонга нисбатан тутган позицияси аниқ белгила-ниб, Ўзбекистон Афғонистонда узоқ муддатли барқарорлик, тинчлик ва осойишталик тарафлари экани таъкидланган. Биз ушбу мамлакат билан ўз муносабатларимизни тарихий таъриб, анъанавий дўстона ва яхши қўшничилик алоқаларига таяниб, ички ишларга аралашмаслик тамойилига амал қилган ҳолда олиб борамиз. Ўзбекистон Афғонистон билан ўз муносабатларини ҳар иккала давлатнинг миллий манфаатлари ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига мос шаклда, афғон халқи ўз мамлақати учун танлаган йўлни ҳурмат қилган ҳолда ўрнатади.



**Фахриддин СОЛИЕВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,  
O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

— «Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти Концепцияси»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг халқаро муносабатларининг тўлақонли субъекти сифатидаги ролини кучайтириш, ривожланган демократик давлатлар сифидан муносиб ўрин эгаллаш,

Ўзбекистон теварагида хавфсизлик ва барқарорлик маконини яратишга хизмат қилади, албатта.

Бу нафақат ўз эркимизни англаш, балки миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда, ҳаётимизни ўз қўлимиз билан барпо этиш ҳуқуқи ҳам демакдир. Ҳеч қандай интеграция, агар у озодлигимизни, мамлакатимиз мустақиллиги ва ҳудудий ахиллигини чеклаётган ёки муайян мафкуравий мажбуриятлар билан йўрилган бўлса, бизга мажбуран сингдирилиши мумкин эмас.

Интеграция ҳақида гапирганда, биз манфаатлар тўқнашуви-нинг турли механизм ва шакллари мавжудлигидан келиб чиқамиз. Бу ҳамкорлик ва шерикликка интилаётган мамлакатларнинг турли бошланғич шароитларига боғлиқ. Ўзбекистон бир вақтингдай глобал ва минтақавий интеграция жараёнида иштирок этса-да, ягона принципга, яъни

бир давлат билан яқинлашиш, бошқаси билан узоқлашиш эмас, деган тамойилга амал қилади. Бир субъект билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш бошқалари билан шериклик алоқаларини сусайтириш ҳисобига юз беришига қаршимиз. Шунинг учун Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятига интеграциялашуви — бу кўп векторли жараёндр.

Концепцияда иқтисодиётнинг етакчи базавий тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик қайта ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун тўғридан-тўғри чет эг инвестицияларини жалб қилиш масалаларига устувор аҳамият берилгани, мамлакатнинг сиёсий ва савдо-иқтисодий шерик сифатидаги халқаро мавқеини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилгани ва бошқа масалалар О'zLiDeP дастурий мақсадларига уйғун ва ҳамохандир.

## Муҳаррур минбару

# Мамлакат тинчлиги ва барқарорлигининг мустаҳкам кафолати

### Сиёсатшунос олимлар ва таҳлилчилар Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти Концепцияси»ни халқимиз тинчлиги, келгуси авлод осойишта турмуш кечиришининг мустаҳкам кафолати, дея баҳоламоқдалар

Ушбу муҳим ҳужжатнинг мазмун-моҳияти, тарихий аҳамиятини ҳар бир юрдошимиз чўқур англашиш учун яқин ўтмишга назар ташлашнинг ўзи кифоя. 1979 йили собиқ иттифоқ раҳбарларининг узоқни кўра олмасликлари, ўзлари қабул қилаётган қарорлар қандай натижалар бериши мумкинлигини англамасликлари оқибатида Ўзбекистон фарзандлари ҳам машғум афғон можаросига жалб этилдилар. Натижада эндигина катта ҳаёт остонасига қадам қўйган минг-минглаб йигитларимиз жасади темир тобутларда Ватанимизга қайтарилди. Яккаҳоқим партия доҳийларининг ана шундай тарихий ҳатоси халлигача хотирамиздан ўчгани йўқ. Ҳанда ҳеч ким ўзбек халқидан бундай урушга розилик сўрамади.

Бир сўз билан айтганда, собиқ иттифоқдаги барча халқлар бошига мусибатлар олиб келган бундай қарор на Ўзбекистон ва на бошқа халқлар манфаати ҳисобга олинмай қабул қилинди. Энг афсусланарлиси, бутунгача ҳам жафоқаш афғон халқининг боши урушлардан чиқмаяпти. Шу маънода Концепция яқин тарихимизда йўл қўйилган ориқди хатоларнинг қайта такрорланмаслиги учун кафолат вазиасини ўтайди.

Биз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан тўла маъқулланган «Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасига ана шу нуқтаи-назардан ёндошмоғимиз керак. Унда Ўзбекистон Афғонистонда узоқ муддатли барқарорлик, тинчлик ва осойишталик тарафдори эканлиги, ушбу мамлакат билан ўз муносабатларимизни тарихий таъриб, анъанавий дўстлик ва яхши қўшничилик алоқаларига таянган ҳолда, афғон халқининг ички ишларига аралашмай олиб боришимиз катъий белгилаб қўйилди.

Шу ўринда Концепцияда Марказий Осиё минтақасига ва «Ўзбекистоннинг ҳаётини мумкин қанчалар шун минтақа билан боғлиқ» эканига бирламчи эътибор қаратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки кейинги йилларда Марказий Осиё ўзининг ниҳоятда муҳим геосиёсий жойлашуви ва минерал-хомашё ресурсларига бой-

лиги учун ҳам айрим йирик давлатларнинг стратегик манфаатлари тўқнашадиган ҳудудга айланиб қолмоқда. Бу жараёнда давлатларнинг ўз ривожланиш модели ва сиёсий йўлини белгилашга таъсир ўтказишга уриниш ҳоллари тобора кучайиб бораётир. Зеро, чегараларимиз яқинида кескинлик ва танглик ўчоқларининг сақланиб қолаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Мамлакатимизга яқин бўлган айрим ҳудудларда эса кўролли можаролар ва қирғинбарот низо-ларни келтириб чиқариши мумкин бўлган вазиятларнинг кўпайиб бориш хавфи мавжудлигига ҳам Концепцияда алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Зеро, Ўзбекистон ташқи сиёсатининг фундаментал асослари ва устувор йўналишларини белгилиб берган Президент Концепцияси миллий хавфсизлигимизни янада мустаҳкамлаш, барқарор тараққиётни таъминлаш, фуқаролик жамиятига асосланган эркин демократик давлат қуриш вазиасини амалга ошириш учун қулай ташқи шароитлар яратиш талабларига тўла жавоб беради.

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, мазкур Концепция ҳозирги шароитда мамлакатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашишида миллий манфаатларимизни ишончли ҳимоя қилиш имконини беради.

## «Ёшлар қаноти»

# Фарғоналик «Ишбилармон талаба»лар бизнеснинг катта йўлини танлашди

### «Мустаҳкам оила йили»да изчил амалга оширилаётган «Ишбилармон талаба» лойиҳасининг вилоят bosқичида туман ва шаҳарларда голиб бўлган 38 нафар йигит-қиз иштирок этди

**Шўхрат РАХИМОВ,**  
XXI ASR

Ҳақамларнинг фикрича, билимлар беллашуви, дея эътироф этилган ушбу таъбир мурасис кечгани учун ҳам голиблар номини аниқлаш осон бўлмади. Таъбир ташкилотчиларининг мақсади ҳам аслида шу эди. Зеро, замонавий фикрлайдиган, жамиятда муносиб ўрин эгаллашга қодир бўлган ёшлар сафини кенгайтириш ва уларда таъбиркорлик кўникмаларини шакллантириш партиянинг устувор вазиасларидан биридир.

«Ишбилармон талаба» кўрик-танловидан кўзланган асосий мақсад — ёшларнинг таъбиркорлик фаолиятига қизиқишини кучайтириш, уларга ўз бизнесини ташкил этиш учун иқтисодий ва ҳуқуқий шароит яратиш, ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш, мамлакатимиз келажги йўлидаги интилиш ва изланишлари, жамоат ишларидаги фаол иш-

тирокени қўллаб-қувватлашдан иборат, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Зилола Собирова. — Шуниси қувонарлики, қатнашчиларга қўйилаётган талаблар қанчалик жиддий бўлмасин, унда иштирок этмоқчи бўлган ёшлар сонини йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Танловда асосан ёшларнинг таъбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини қай даражада ўзлаштириш, сервис ва қишлоқ ҳўжалиги соҳасини ривожлантириш борасидаги инновацион лойиҳаларининг амалий аҳамиятига ҳам ҳақамлар томонидан юқори баҳо берилди. Ниҳоят, танловнинг республика bosқичи

йўлланмасини қўлга киритганлар аниқланди. Учкўприк санат-касб-хўнар коллежи талабаси Нигора Ҳамидуллаева фахрли биринчи ўринга муносиб, деб топилди.

— Бугунги муваффақиятим — ҳаётда эришган илк ютуғим бўлди, — дейди Нигора. — Олти ёшимдан буюн тикувчилик сирларини ўрганиб келаман. Ҳозирда бисер ёрдамда эс-даллик совғалар коллекциясини тайёрляпман. Келажакда таниқли модельер-дизайнер бўлмоқчиман.

Ҳайрат томонидан иккинчи ўринга лойиқ қўрилган Алижон Абдура-сулов Қува педагогика ва иқтисодиёт касб-хўнар коллежи талабаси.

— Ҳақамлар томонидан ҳайкал-тарошликка оид ишларим юксак қад-рлангани менга катта куч ва ишонч бағишлади, — дейди Алижон. — Со-ҳага қизиқишимни сезган коллеж директори Раҳмонберди Якубов Кўқон тасвирий ва амалий санъат коллежига ҳайкалтарошлиқнинг сир-синоатларини ўрганиш учун юбор-

ганидан мионатдорман. Ушбу танловда фахрли ўринни эгаллашда кол-леждаги устозим Эргашали Тожибо-евнинг ҳиссаси катта бўлди.

— Ҳақиқатан ҳам меҳнат одамини улуглар экан, — дея эътироф этади 3-ўрин соҳиббаси Муслима Аҳмедова. — Мен Фарғона шаҳар машинасоз-лик касб-хўнар коллежиди ўқиб бир-бирга, турли дизайндаги либос-лар тикиш билан шуғулланаман. Шу орқали оиламиз даромадида ўз ул-ушим борлигидан фахрланаман. Энди эса O'zLiDeP «Ёшлар қаноти» фао-ли сифатида тенгдошларимни ҳам таъбиркорликка жалб этмоқчиман.

Албатта, кўрик-танлов иштирок-чиларининг орзулари бир олам. Зеро, орзуси бор одамда интилиш бўлади. Интилиш бор жойда эса самара бўли-ши тайин. Ишончимиз комилки, «Ишбилармон талаба» лойиҳаси иш-тирокчилари келажакда юртимиз корига ярайдиган, халқнинг азалий орзуларини рўёбга чиқарадиган ав-лод бўлиб воята етадилар.

# Ислоҳот

## О'zLiDeP оилавий тадбиркорларга кўприк бўлапти

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Кахрамон САЙДАЛИЕВ,  
«XXI ASR»

Шу билан бирга лойиҳа доирасида 2500 дан ортиқ оилавий тадбиркорлик субъектлари ва деҳқон хўжалиklarининг ташкилий-ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий билими ва кўникмаларини ошириш кўзда тутилган.

Бундан ташқари мазкур лойиҳа кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига тўсиқ бўлаётган, тадбиркорлик фаолияти эркинлигини чеклаётган бир қатор муаммоларни тизимли ўрганиш, уларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш имконини ҳам беради. Шу мақсадда вилоятларда «Тадбиркорлар мулоқот форуми» лойиҳаси ўтказилиб, уларда 10 та долзарб масала атрофича муҳокама қилинди. Айтиш мумкин лойиҳанинг вилоят босқичлари ўз якунига етмоқда.

### Янги лойиҳадан — янги режаларга

Асл мақсади шахсий деҳқон хўжалиklarини ривожлантириш, оилавий бизнес билан шуғулланаётган тадбиркорлар сафини янада кенгайтириш, уларга имтиёзли кредитлар бериш механизмини такомиллаштириш, қишлоққа саноатни олиб кириш, илгор тажриба ва инновацияларни, замонавий агротехник тадбирларни қўллашга йўналтирилган «Мулкдор оила» лойиҳасининг Самарқанд вилоят босқичида 54 нафар шахсий деҳқон хўжалиги раҳбари ва оилавий тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этидилар. Уларга «Микрокредитбанк» ОАТБ ва «Агробанк» ОАТБ вилоят филиалларининг имтиёзли кредитларини берувчи махсус гувоҳномалар топширилди.


О'zLiDeP Самарқанд вилоят кенгашининг тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш бўлими мудири Қолир Шойимовнинг таъкидлашича, бутун лойиҳа иштирокчиларининг 15 нафарига мева ва सबзотчилик, асаларчилик ва паррандачиликни ривожлантириш учун 267 млн. 350 минг сўм миқдорда кредит ажратилди. Бу эса кўшимча 47 та иш ўрни яратиш имконини берди. Бундан ташқари, лойиҳа доирасида тижорат банкларига 202 млн. 700 минг сўмлик 39 та бизнес-режа ва тегишли ҳужжатлар топширилди, уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида яна 50 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

О'zLiDeP Жомбой туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Фарид Ашуровнинг таъкидлашича, «Мулкдор оила» лойиҳасининг вилоят босқичида 8 нафар деҳқон ва фермер хўжалиги раҳбарлари иштирок этиб, «Агробанк» ОАТБ туман филиалидан 36 млн. 250 минг сўм кредит олишга муваффақ бўлган. Натижада 15 та янги иш ўрни яратилди.

— 2008 йилда ташкил этилган хўжалигимиз боғдорчиликка ихтисослашган, — дейди жомбойлик деҳқон хўжалиги раҳбари Расул Раҳмонов. — «Мулкдор оила» лойиҳасининг вилоят босқичида иштирок этиб, «Агробанк» вилоят филиалининг имтиёзли кредит олишга оид гувоҳномасини қўлга киритдим. Банк томонидан ажратилган 5 млн. сўм миқдордаги кредит маблағи ҳисобидан фаолиятимизни янада кенгайтираётимиз.

### Ишонч қатъий

О'zLiDeP Андижон вилоят кенгаши ҳам мазкур лойиҳа доирасидаги тадбирларга жиддий ҳозирлик қўрди. Хуеусан, жорий йилнинг апрель-май ойларида туман босқичла-



Сониқ ЗОИР/Олов Ойрат

ри ўтказилиб, унда иштирок этиш учун 160 дан ортиқ деҳқон хўжаликлари ва оилавий тадбиркорлик субъектларидан аризалар келиб тушди. Ташкилий кўмита томонидан эса 88 тадан ортиқ деҳқон хўжаликлари вилоят босқичида иштирок этиш учун саралаб олинди.

Асака туманидаги Ибн Сино МФИда истиқомат қилувчи Шухрат Нурматовнинг бизнес-режаси истиқболли деб топилган, унга «Микрокредитбанк» Асака туман филиали томонидан 40 млн. сўм кредит ажратилди. Ҳозирги кунда савдосотиқ йўналишида фаолият олиб бораётган тадбиркор 6 та янги иш ўрни яратиб, аҳолига қурилиш материалларини арзон нархда етказиб бераётир.

Жалакудук туманидаги «Шаффоф люкс» хусусий корхонаси раҳбари Улугбек Хайдаровнинг трикотаж ва полиэтилен маҳсулотлари ишлаб чиқариши кўзда тутувчи бизнес-режаси ҳам танлов ҳайъати эътиборини тортди. Истиқболли деб топилган ушбу лойиҳа «Микрокредитбанк» туман филиали томонидан 10 млн. сўм миқдордаги кредит маблағи билан молиялаштирилди. Ҳозирги кунда тадбиркор ўз фаолиятини кенгайтириб, аҳолини полиэтилен маҳсулотига бўлган талабини қондирмоқда. Харидорларга 8 нафар ишчи хизмат кўрсатмоқда.

Лойиҳада хўжаободлик Миркомил Акбаров, Розияхон Қурбонова, Мавлудахон Мадийрова ҳамда Абдуллатиф Абдуҳолиқов ҳам муваффақиятли қатнашдилар. Натижада уларга «Микрокредитбанк» туман филиалининг 12 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

«Мулкдор оила» лойиҳасининг Бўз туман босқичида ғолиб бўлган

8 нафар иштирокчи ҳам имтиёзли сертификатларни қўлга киритган эди. Шулардан «Истиқбол» чорвачилик фермер хўжалигига соҳани ривожлантириш учун 24 млн. сўм, «Қаюмжон шухрати» фермер хўжалигига тикув машинаси ва хом ашё сотиб олиш учун 20 млн. сўм, «Ақлимаҳон файзи» хусусий корхонасига паррандачиликни йўлга қўйиш учун 24 млн. сўм маблағ «Микрокредитбанк»нинг Бўз туман филиали томонидан ажратилди. Бу эса кўшимча 35 та иш ўрни яратиш имконини берди.

### Энди жиззахда оилавий тадбиркорлар сони янада кўпаяди

«Мулкдор оила» лойиҳасининг Жиззах вилоят босқичи якунлари бўйича 9 нафар иштирокчи жами 98,2 млн. сўм миқдорда кредит олишга муваффақ бўлди. Янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини бошлаб, 35 та кўшимча иш ўрни яратилди.

— Мен Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг «Мулкдор оила» лойиҳасида қатнашиб, ўз бизнесимни йўлга қўйдим, — дейди лойиҳа иштирокчиси Норхол Мелибоева. — Айтиш мумкин «Агробанк» Бахмал туман филиалининг 12 млн. сўмлик кредити ҳисобига «Мелибоева Норхол» хусусий корхонасини ташкил этиб, тикувчилик лехини ишга туширдим. Туманимиз аҳолиси эҳтиёжлари учун турли хил тикувчилик маҳсулотлари тайёрлаётимиз. Келгусида партия кўмагида фаолиятимизни янада кенгайтирмоқчиман.

**ТАХРИРИЯТДАН:** Бир сўз билан айтганда, «Мулкдор оила» лойиҳасидан кўзланган асосий мақсад чекка ҳудудларда оилавий бизнесни йўлга қўйган ва тадбиркорликка энди кўл ураётган оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантириш, уй ва деҳқон хўжалигига асосланган оилавий корхоналар сонини кўпайтириш орқали ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналари билан кооперация алоқаларини йўлга қўйиш, қишлоқларга саноатни олиб киришга фаол кўмаклашишдан иборатдир. Тадбир ташкилотчиларининг фикрича, лойиҳа доирасида жами 4 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратиш кўзда тутиляпти. Бундан ташқари, фаол кўрик-танлов ғолиблари учун хорижий давлатларда ҳам малака ошириш имконияти яратиб берилётгани «Мулкдор оила» лойиҳасига бўлган қизиқишни кучайтирмоқда. Шунингдек, таҳлилчилар лойиҳа якунида «Оилавий тадбиркорлик ва деҳқон хўжалиklarининг ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий асослари» номли амалий қўлланма чоп этилиши режалаштирилганини тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган реал рағбат, деб баҳоламоқдалар.

### Фармон ва ижро

### Касаначилик ривожланмоқда

Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 5 январда қабул қилинган «Ириқ саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтириши рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда. Мазкур ҳужжат аҳолини иш билан таъминлаш, аиникса, аёллар учун уй-ўзғор юмушлари ва фарзанд тарбиясидан узилмаган ҳолда меҳнат қилиб даромад топиш имконини бераётир. Касаначиликни ривожлантириш оила бюджетини даромадларини оширишдек муҳим масалани ҳал этади. Иш билан банд бўлмаган аҳоли сонини қисқартириш ва унинг фаол қисмини ишлаб чиқаришга жалб этиш имконини беради. Муҳими, касаначиларнинг ижтимоий ҳимояси таъминланади. Айтиш мумкин, касаначилик билан меҳнат сарф қилинадиган маҳсулотларнинг айрим турлари уй шароитида ишлаб чиқарилаётгани саноат корхоналари иш самарадорлигини оширмоқда. Қашқадарё вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасидан маълум қилишларича, вилоятда жорий йилнинг ўтган даврида касаначилик асосида 4 минг 526 киши иш билан таъминланган. «Шўртаннефтьгаз» унитар шўба корхонасида айтиш мумкин 66 нафар касаначи меҳнат қилмоқда. — Уйда ойига минг донагача қўлқоп ва чойшаб тайёрлаймиз, — дейди касаначи Гулноза Йўлдошева. — Ҳафтанинг душанба ва пайшанба кунлари олган буюртмаларимизни корхонага топшираемиз. Меҳнатимизга яраша ҳақ тўланмоқда. Касаначилик асосида меҳнат қилиб, даромадга эга бўлаётганимиздан миннатдоримиз.

Ф.ХОЛМИРЗАЕВ, Ўза мухбири.

### «Аёллар қаноти»

## Андижонда ишбилармон аёлларга алоҳида эътибор

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Наргиза КАХҚОРОВА,  
«XXI ASR»

О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, банк-молия муассасалари вакиллари, партия фаоллари, тадбиркор ва фермерлар иштирок этган тадбир Президентимизнинг «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш тўғрисида», шунингдек, «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги фармонлари ҳақида атрофича сўз юритилиб, асосий эътибор улар ижросини таъминлаш масаласига қаратилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракция аъзоси Робоҳон Абдурасулованинг таъкидлашича, юқоридаги ҳужжатлар тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ тартиб-таомилларнинг барча турларини қисқартириш, соддалаштириш ва очиқ-ойдинлик даражасини ошириш, бизнесни юритиш мезонларини жаҳон андозаларига мослаштиришга қаратилганлиги билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Бу эса инвестиция ва ишбилармонлик муҳити даражаси халқаро рейтингини янада ошириш имконини беради.

— Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга давлат сибасати даражасида эътибор қаратилмоқда. Бу эса жойларда қўлай ишбилармонлик муҳитини яратиш, хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини оширишда муҳим аҳамият касб этаётир, — дейди О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси бўлим раҳба-



### ЮРТБОШИМИЗ ТОМОНИДАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ЙўНАЛТИРИЛГАН МУҲИМ ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАРНИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ ЭЛЕКТОРАТИМИЗ ВАКИЛЛАРИНИ БЕҲАД МАМНУН ЭТАЯПТИ.

ри Севара Муслимова. — Аиникса, Юртбошимиз томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган муҳим фармон ва қарорларнинг қабул қилиниши электоратимиз вакиллари бехад мамнун эътибор билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Бу эса инвестиция ва ишбилармонлик муҳити даражаси халқаро рейтингини янада ошириш имконини беради.

Давра суҳбатда таъкидланганидек, вилоятнинг энг чекка ҳудудларида хотин-қизлар ҳам бутун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган илоҳотлар ва уларнинг моҳияти тўғрисида етарли маълумотга эга бўлмоқдалар. Соҳа келажаги учун яратиб берилётган қўлай шарт-шароитлар, шубҳасиз, андижонлик тадбиркор ва ишбилармонларни ҳам янги марраларга руҳлантирмоқда. Халқ депутатлари

Балиқчи туман кенгаши депутати, «Алп Равшан орузи» фермер хўжалиги раҳбари Оқибат Жаҳваровнинг қайд этишича, «Аёллар қаноти» фаоллари саъй-ҳаракати билан йилнинг иккинчи чорагида «Хўжаобод» МЧЖда 10 нафар, «Малина-97» МЧЖда 8 нафар ёшлар доимий иш билан таъминланди. Қўрғонтепалик тадбиркор, О'zLiDeP фаоли Хуррият Абдурасулова эса 24 млн. сўмлик имтиёзли кредит олиб, 23 нафар хотин-қизни тиккиш-бичиш соҳасига жалб қилди.

Бир сўз билан айтганда, «Аёллар қаноти» томонидан ташкил этилаётган бундай тадбирлар хотин-қизларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини оширишга хизмат қилаётир. Жойларда яратилган қўлай шарт-шароитлар эса мулкдорларнинг истиқболли режаларига қанот бағишлаётганлиги шак-шубҳасиз.

## Яратилган имкониятдан фойдаланиш самараси

Айтиш мумкин сурхондарёлик Салима Саидованинг саъй-ҳаракати билан Деновда қад ростлаган замонавий савдо марказида 40 нафардан ортиқ киши меҳнат қилмоқда

— Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида «Истиқлол-20» бозор-мажмуасини ишга туширганимизга ҳали кўп бўлгани йўқ, — дейди тадбиркор. — Лекин хизмат сифати яхши бўлса, мижозлар сони ортаверар экан. 2011 йилда О'zLiDeP «Аёллар қаноти» томонидан ўтказилган «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» лойиҳасида қатнашиб, ўзимда алоҳида савдо масканини очиб иштиёқини сезган эдим. «Ҳамкорбанк»нинг Денов филиалидан 80 млн. сўм кредит олишимда ҳам мазкур семинарларда тавсия этилган йўл-йўриқ ва маслаҳатлар қўл келди. Мана, беш ойдири, «Истиқлол-20» мажмуаси муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Ҳар гал ана шу мажмуа остонасига қадам қўйганимда бундан 20 йил олдин ким эдим, деган фикр хаёлимдан ўтади. Кўнглимдаги кечинмаларни сўзла ифодалай олмасам-да, савдо марказимизга бундан ортиқ муносиб ном топиб бўлмаслигини ўшандаёқ ҳис

этандим.

— О'zLiDeP дастурида аёлларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш, сиёсий билимларини ошириш, соғлом авлодни вояга етказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган, — дейди О'zLiDeP Денов туман кенгаши «Аёллар қаноти» гуруҳи раҳбари Гулчехра Ҳайдарова. — Туманимизда Салима Саидова сингари тадбиркор ва ташкилотчи аёллар сони тобора ортиб бораётгани бизга янада куч-қувват бағишламоқда. Демократик, аҳолига барқарор даромад манбаи яратиб беришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик алоҳида аҳамиятга эгадир. Агар ҳар бир хусусий мулк эгаси камида 5-10 тадан янги иш жойи ташкил этса, партиянинг хотин-қизлар йўналишидаги лойиҳалари пухта ва тизимли амалга оширилса, тадбиркор опа-сингилларимизнинг сафи кенгайиши барибаради оилалар фаровонлиги ҳам ортиб бораверди.

2012 - МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 20 - ЮБИЛЕТИ

**«ЖАРҚҮРФОНТУМАНГАЗ» ҚОШИДАГИ БОШЛАНГИЧ ТАШКИЛОТДА**  
«Мустақкам оила йили» Давлат дастурини амалга оширишда БПТларнинг ўрни ва роли» мавзусида давра суҳбати ўтказилиб, унда оилавий тадбиркорликнинг аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

**ҲАМЗА ТУМАНИДАГИ «OAZIS-ASAKA»** ўқув марказида ўтказилган тадбир давомида 4 нафар иқтисодчи мутахассисга партия гувоҳномалари топширилди.

**ЎТГАН ОЛТИ ОЙ МОБАЙНИДА** O'zLiDeP вилоят кенгаши тизимидаги БПТлар сони 11 тага кўпайди. Уларнинг 4 таси хусусий ишлаб чиқариш корхоналари қошида ташкил этилган.

# БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

32 (456)-сон

e-mail: axborotXlasr@yahoo.com, web sayti: www.21asr.uz

2012 йил

9

август,  
пайшанба

## Ташаббус ҳам, реал натижа ҳам кучли қуйи бўғинлар фаолиятига боғлиқ

**Тошкент вилоятининг Зангиота туманида O'zLiDePнинг 800 нафардан зиёд аъзоси бўлиб, улар 46 та бошлангич ташкилотга уюшган ҳолда фаолият олиб бормоқдалар**

Зиёдулла МҲМИНОВ,  
«XXI ASR»

— Энг муҳими, уларнинг аксариятини ёшлар ташкил этди, — дейди O'zLiDeP Зангиота туман кенгаши раиси ўринбосари Фатхулло Қосимов. — Масалан, худуддаги «Dentafill plyus» хусусий корхонасининг 50 нафарга яқин ходимидан 30 нафари партия аъзоларидир. Ташаббус қуйидан чиққани боис корхона ишчи-хизматчилари саъй-ҳаракати билан бу ерда бошлангич ташкилот тuzилди. Дастлаб 10 нафар киши партиёга қабул қилинган бўлса, ҳозирда БПТ ўз атрофида 30 нафар ёш, сергайрат ёшларни бирлаштирган.

Биз ана шундай фикрлардан кейин дори-дармон ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Dentafill plyus» корхонасида бўлди.

— Ҳақиқатан ҳам, бошлангич ташкилотимиз аъзоларининг асосий қисми 20-30 ёшгача бўлган йигит-қизлардир, — дея изоҳ берди БПТ етакчиси Абдуносир Қосимов. — Очиғи, уларнинг ҳеч бирини партия сафига киришга тарғиб этмаганмиз. Ёшларнинг ўзлари бутунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда O'zLiDeP сафига ўтмақдалар. Шу боис ҳам ҳар ойда 4-5 нафар ходимимиз сафимизга қўшилмоқда. Ҳар чорак якунида бошлангич ташкилот йиғилиши ўтказилади. Табиийки, унда келусидаги режалар билан бирга ечимини кутаётган муаммолар ҳақида атрофдаги фикр-лашамиз. Корхона ихтисослашувидан келиб чиқиб, олий маълумотли ёки касб-ҳунар коллежини тамомлаган ёшлар ишга



қабул қилинади. Улар ҳам ўз ўрнида бу ердаги тартиб-интизом, устоз-шогирд аъзоларини кўриб, шароитга мослашадилар. Қарабсизки, бир жиҳатдан фаоллик ошса, иккинчи томондан ёшларнинг ишга бўлган муносабати, яъни дунёқараши ўзгаради.

Сурайё Исмоилова ҳам ўтган йили партия сафига қабул қилинган экан. Бутун эса у ташкилотнинг энг фаол аъзоларидан бирига айланди.

— Биз бошқа партиялар фаолиятини таҳлил этиб, ўз сафимизни имкон қадар O'zLiDeP ишига, унинг гоё ва мақсадларига тўла жавоб берадиган аъзолар билан кенгайтиришга ҳаракат қилаёلمиз, — дейди Сурайё. — Бирок фаолиятимизни фақат корхонада эмас, балки халқ ора-

сида олиб бормоқчимиз, тарғиб-ташвиқот ишларимиз, уюштирилган тадбирларимизда самара бўлади. Бу борада бизга халқ депутатлари туман кенгашига сайланган 4 нафар ёшларимиз яқиндан ёрдам беришмоқда.

— Туманда ана шундай ташаббускор қуйи ташкилотлар 40 дан ошди, — дейди Фатхулло Қосимов. — Улар фаолиятини изчил ўрганиш, ютуқларини эса оммалаштириш лозим. Масалан, «Тухтаниёв ота» фермер хўжалиги қошидаги БПТ таркибиде 30 нафардан ортик аъзо бор. Худди шунингдек, «Роҳатой» фермер хўжалиги қошидаги бошлангич ташкилот ҳам ўз атрофида 30 нафарга яқин аъзони бирлаштирган. Шу ўринда партия сафига қабул

қилинаётганларнинг аксариятини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этишини таъкидлаш жоиз. Бу эса эртага партия ишининг ишончли давомчилари пайдо бўлаётганини аниқлатади. Шу ўринда ҳар қандай бошлангич партия ташкилотининг иши унинг амалий натижалари билан баҳоланишини таъкидлаш керак. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Зангиота туманидаги бошлангич ташкилотлар иши «бошлангич»лигича қолиб кетмапти. Аксинча, эришилаётган ютуқлар, амалга оширилаётган хайрли ишлар умумпартиявий ишга ҳисса бўлиб қўшилипти. Қолаверса, ўтказилаётган барча тадбирларнинг ташаббускори ҳам айнан ана шу бошлангич ташкилотлар эканлиги эътиборга моликдир.

### «Аёллар қаноти» хабарлар

**ФАРФОНА.** O'zLiDeP «Аёллар қаноти»нинг «Оилавий тадбиркорликдан — мустақкам оилага» лойиҳаси доирасидаги навбатдаги тарғибот тадбири Бешариқ туманида ўтди. «Янги қашқар» маҳалласидаги хотин-қизлар иштирокида ташкиллаштирилган тадбирда кичик бизнес, тадбиркорлик ва сервис соҳасига аёлларни кенг жалб этиш ҳамда бу жараёнларда нодавлат ва нотижорат ташкилотлар иштироки масалалари атрофида муҳокама қилинди.

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ.** Охангарон туманидаги «Мукаррам шифо нур» хусусий корхонасида ўтказилган давра суҳбати «Фермерлик тараққиёти — фаровонлик манбаи» мавзусига бағишланди. Унда ўз ишини самарали йўлга қўйган фермерлар кўмағида кишлоқ худудларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

**ХОРАЗМ.** «Аёллар қаноти»нинг Қўшқўпир тумани ўзбекёп кишлоғидаги хотин-қизлар билан ўтказган тадбири «Фуқароларнинг ўзини ўзи боқариш ўрнида хотинларнинг меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги фармоннинг мазмун-моҳиятига бағишланди.

## Қулай бизнес муҳитидан унумли фойдаланиб

— Тадбиркор сифатида O'zLiDePга биринчилар қаторида аъзо бўлган эдик. Айна пайтда барча ишчи-хизматчиларимиз партия фаолларига айланишган, — дейди Самарқанд шаҳридаги «Муҳаббат» МЧЖ раиси Баҳодир Қаҳҳоров

Муҳаббат РАВШАНОВА, «XXI ASR»

— 1997 йилда ташкил этилган корхонамиз жамоаси аввалига кичик-кичик улгуржи савдо дўконлари ишини йўлга қўйганди. Кейинроқ ички ва ташқи туризмни ривожлантиришга қўл ура бошладик. Сайёҳлик гуруҳлари ташкил этиб, юртдошларимизни хоризмга, ёшларимизни эса юртимизнинг қадимий шаҳарларига сайёҳатга олиб чиқишни йўлга қўйдик.

Мамакатимизда тадбиркорлар учун яратилаётган шароитлардан руҳланган жамият раҳбари 2002 йилдан бошлаб чет элларга отланган йўловчиларга авиачипталар сотиш хизматини ҳам кўрсата бошлади. Ҳозирда 5 та вилоятда ушбу тадбиркорлик

**БПТ ЙИГИЛИШИДА ОЛДИМИЗГА ҚЎЙИЛГАН ВАЗИФА ҲАМДА РЕЖАЛАР БИЛАН БИР ҚАТОРДА ПАРТИЯВИЙ ТОПШИРИҚЛАР ИЖРОСИНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚДИК. УНДА АСОСИЙ ЭЪТИБОР ЙЎЛ ҚЎЙИЛАЁТГАН КАМЧИЛИКЛАРНИ БАРҲАМ БЕРИШГА ҚАРАТИЛДИ.**

субъектининг 9 та филиали бўлиб, улар асосан Россия, Болтиқбўйи мамлакатлари, Жанубий Корея ва Украинага чиқта сотиш, юк жўнатиш ва қабул қилиш билан шуғулланиб келмоқда. Жамоада айна кунда 30 дан зиёд ишчи-ходим меҳнат қилапти. O'zLiDeP ташкил топган йилдаёқ мазкур корхона раҳбари ҳамда у бошчилигидаги ишчи-хизматчилар биринчилардан бўлиб партия сафига киргандилар. Айна пайтда эса жамоанинг барча аъзолари O'zLiDeP сафига туриб меҳнат қилишарди. Жумладан, «Муҳаббат» авиакасаси филиали раҳбари Бекзод Қодиров, диспетчер Далер Қурбонов, ташқи алоқалар бўлими бошлиғи Аваз Боқиев, хўжалик ишлари бўлими мудири Шухрат Тураев партиявий топшириқларни аъло даражада удралаб, ҳамкасблари ва маслақдошларига намуна бўлишмоқда.

— Жамоамизда ишга совуққонлик билан ёндашув ҳеч қачон оқланмаган, — дейди БПТ раиси Баҳодир Қаҳҳоров. — Ҳар бир мижозга юқори малака ва маданият билан хизмат кўрсатиш талаб этилади. Худди шу каби аъзоларимиз партиявий фаолиятга ҳам жиддий ёндашишди. Яқинда бўлиб ўтган БПТ йиғилишида олдимизга қўйилган вазифа ҳамда режалар билан бир қаторда партиявий топшириқлар ижросини қайта кўриб чиқдик. Унда асосий эътибор йўл қўйилаётган камчиликларни барҳам беришга қаратилди. Шунинг эътирофи этиш лозимки, аъзоларимиз Самарқанд вилояти ва шаҳри миқёсида ўтказилаётган барча партиявий тадбирларда фаол иштирок этмоқдалар. Бундай тадбирлар эса ўз навбатида бизга янги маълумотлар олиш, билим ва тажрибамизни оширишда қўл келаяпти.

## Раис сайловчилар ишончини оқлапти

**Айна пайтда замонавий қулайликларга эга бўлган 16 та кишлоқ врачлик пунктида нуроталик O'zLiDeP аъзолари аҳолига намунали хизмат кўрсатишмоқда**

Мансур АСЛОНОВ,  
«XXI ASR»


Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилиш, эл маъмурчилигига муносиб ҳисса қўиш ҳар бир инсон учун муқаддас бурч, албатта. Нурота тумани тиббиёт бирлашмаси ҳузурдаги O'zLiDeP бошлангич ташкилоти аъзолари ҳам бутун ана шундай эзгу ният билан иш олиб бормоқдалар. БПТ етакчиси Бекмурод Эшмуродовнинг таъкидлашича, айна пайтда фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг илоҳотлар жараёнидаги иштирокини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маълумки, бутунги кунда давр руҳига мос ўзгариш ва янгиланишлар тиббиёт соҳасида ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Узоққа бормайлик-да, тоғу тошлар ҳамда кенг саҳралар бағридаги туманда тиббиёт соҳасидаги ўзгаришларни таҳлил этиб кўрайлик. Бутун нуроталикларга 4 та кишлоқ участка шифохонаси, 16 та ҚВП ҳамда барча қулайликларга эга бўлган марказий касалхона хизмат кўрсатмоқда. «Тез ёрдам», реанимация, туғруқхона бўлимлари, шунингдек, барча кишлоқ врачлик пунктлари «Саломатлик-1» ҳамда «Саломатлик-2» дастурлари асосида тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Айна кунда «Саломатлик-3» дастури асосида касалхонага янги тиббий жиҳозлар ўрнатилиш режалаштирилмоқда. Бундан ташқари, йил охиригача

Дехқабаланд кишлоқ участка шифохонасида 220 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилса, Жарма кишлоғида замонавий ҚВП биноси қурилиб, фойдаланишга топширилади.

O'zLiDeP туман кенгаши масъул ходими Нусратилла Исломовнинг таъкидлашича, ушбу БПТ намунали қуйи бўғинлардан бўлиб, унга тажрибали шифокор, олий тоифали жарроҳ Бекмурод Эшмуродов етакчилик қилмоқда.

— Шу кунларда Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» асарини ўрганиш юзасидан жойларда туркум тадбирлар олиб боришмоқда, — дейди биз билан суҳбатда Б. Эшмуродов. — Ўтказилаётган турли суҳбат, учрашув, семинар-кенгаш ҳамда сиёсий ўқувларда ҳам ушбу бағирнинг мазмун-моҳияти, унинг жамият ҳаётидаги ижтимоий аҳамиятига катта эътибор қаратиляпти. Бу борада биз Шавкат Халилов, Фурқат Қўлдошев, Зарина Омонбоева, Наима Файзуллаева, Марҳаб Ражабова, Шермат Каримов сингари фаолларимиз кўмағига таянаёلمиз. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида сафдошларимиз сони 19 нафарга ошганлиги ҳам шифохонада партиявий-ташқилий ишларга талабчанлик билан ёндашилаётганлигини кўрсатади.

O'zLiDeP туман кенгаши мутасаддиларининг фикрича, Б.Эшмуродов нафақат фаол етакчи, балки партиядан сайланган халқ депутатлари туман кенгаши



депутати сифатида ҳам кенг қамровли ишларни амалга оширмоқда. Узи сайланган округда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оналик ва болалик муҳофазаси, ёш қизларни турмушга тайёрлаш масалалари юзасидан амалий мулоқот, суҳбат, савол-жавоб кечалари ўтказмоқда. Сайловчилар билан учрашувларда кўтарилган долзарб мавзулар бўйича депутат сўровлари билан чиқади. Жумла-

дан, БПТ етакчисининг саъй-ҳаракатлари туфайли Ибн Сино номли МФЙ компьютер билан таъминланди ҳамда маҳаллага малакали участка врачни тайинланди. Айна кунда депутат томонидан пластик карточкалар орқали хизмат кўрсатиладиган савдо шохобчалари сонини кўпайтириш ва улар фаолиятини такомиллаштириш бўйича бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

### Эълон

## ДИҚҚАТ, ПАРТИЯВИЙ ЛОЙИҲА!

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, республика Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси ДТ «Халқ банки», ТИФ Миллий банки, «Кишлоқ қурилиш банки» ОАТБ, «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ, «Алоқабанк» ОАТБ, «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси билан ҳамкорликда «Оилавий тадбиркорликдан — мустақкам оилага» лойиҳасини амалга оширмоқда.

### ХУРМАТЛИ ОПА-СИНГИЛЛАР!

«Оилавий тадбиркорликдан — мустақкам оилага» лойиҳаси Сиз учун ҳунармандчилик, касаначилик ва бошқа йўналишлар бўйича оилавий тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ёки ўз бизнесингизни янада кенгайтириш учун қулай имкониятдир. Зеро оилавий тадбиркорлик оила фаровонлиги ва аёллар бандлигини таъминлашнинг муҳим омилдир.

Лойиҳада фаол иштирок этган хотин-қизларнинг бизнес лойиҳалари ҳамкор тижорат банклари томонидан имтиёзли асосда молиялаштирилади.

Батафсил маълумот олиш учун O'zLiDeP ва унинг худудий ташкилотларига мурожаат этинг!

Маълумот учун телефонлар: 8 (371) 255-66-03, 255-62-25 аёб-сайт www.uzlidedp.uz, www.sarmoya.uz

# Жараён

## Ўртачирчиқда ишлар ўртачами?

**Ўртачирчиқ — Тошкент вилоятининг аҳолиси зич туманларидан бўлиб, уларнинг қарийб 60 фоизи ёшлардан иборат. Табиийки, ҳар йили касб-хунар коллежларини тамомлаётган минглаб йигит-қизларни иш билан таъминлаш туманда долзарб вазифалардан бирига айланган. Бу жараёнда яратиб берилган имкониятлардан фойдаланиб, ўз бизнесини йўлга қўйишга интилаётган ёшлар кўпчиликни ташкил этаётгани қувонарли ҳол, албатта**

**Зиёдулла МҲМИНОВ,**  
«XXI ASR»

— Ана шундай паллада О'zLiDeP янги авлод вакиллари учун амалий ёрдам кўрсатмоқда, — дейди партия туман кенгаши раиси ўринбосари Каромат Ра-сулова. — Биз туман бандлик кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофа-за қилиш маркази, қолаверса партия электорати бўлиши фермерлар ва тadbиркорлик субъектлари билан ҳамкорликда меҳнат яр-маркалари ташкил этиб, касб-хунар коллежлари бит-тирувчиларини иш билан таъминлашга ҳаракат қила-миз.

Масалан, Ўртачирчиқ Агроеконом ва транспорт касб-хунар коллежидан ўтказилган меҳнат ярмаркаси-да 182 та корхона 1095 та иш ўрни билан қатнашди. На-тижада 610 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди. Партиямиз аъзоларининг аксарияти ўз бизнесини йўлга қўйгани эса бандлик муаммосини ҳал қилишда муҳим аҳамият касб эта-тир.

— Кароматхон, келинг, шу ўринда партиянинг халқ депутатлари Ўртачирчиқ ту-ман кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи ва бош-ланғич ташкилотлар билан ишлаш соҳасидаги фаоли-яти ҳақида гаплашсак.

— Бугун туманимизда О'zLiDePнинг 450 дан ортиқ аъзоси бўлиб, улар 15 та бошланғич ташкилот ат-рофига уюшган ҳолда иш олиб боришмоқда. Бизнинг асосий бугунимиз ҳам ана шу БПТлардир. Ҳар бир ма-салада уларга таянамиз. Ташкилотчи, билимдон ки-шилар БПТ раислигига тай-инланмоқда. Электорати-мизнинг асосий қисмини тadbиркорлар, фермерлар ташкил этади. Партияга тез-

тез муружаат қиладиганлар ҳам асосан улар. Масалан, тумандаги 52-умумтаълим мактаби атрофида транс-порт ҳаракати тизим бўлган-лиги сабабли ўқувчилар ма-шгулотларга қатнашда қий-налишар эди.

Бир қарашда оддий ма-саладек туюлса ҳам фаолла-римиз саъй-ҳаракати билан айнан шу жойга светофор ўрнатилди. Яна бир мисол: яқинда бир гуруҳ тadbир-корларимиз бизга муружа-ат қилиб, «Туябуги» кўро-ни ҳудудида, яъни «Тош-кент денгизи» атрофида дам олиш маскани ташкил этиш таклифи билан чиқдилар. Депутатлик гуруҳи билан ушбу масалани туман кен-гашининг навбатдаги сессия-си муҳокама қилди. Масала ижобий ҳал бўлди. Жорий йил мавсумидан бошлаб ана шу маскан аҳолига хизмат кўрсата бошлади.

— Депутатлик гуруҳи-нинг 2012 йилги иш режа-сида ана қандай муҳим тadbир-лар кўзда тутилган?

— Биз ўз фаолиятимиз-ни депутатлик гуруҳи йиғи-лишида ишлаб чиқилган ва О'zLiDeP туман кенгаши раиси томонидан тасдиқ-ланган режа асосида олиб борамиз. Асосий эътибор аҳоли, жумладан, тadbир-корлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган. Хусу-сан, туман ҳудудидаги су-ғориладиган ерларнинг мел-иоратив ҳолатини яхши-лаш, янги иш ўринлари яратиш, тижорат банклари фаолияти қамровини кен-гайтириш, саноат тармоқ-ларини ривожлантириш бил-ан боғлиқ масалалар режа-миз асосини ташкил этади. Унда кўзда тутилган тadbир-лар эса депутатлик гуруҳи томонидан ўз вақтида амал-га ошириляпти.

Ҳа, чиндан ҳам Тош-кент вилоятининг Ўртачир-чиқ туманидаги партия фа-

оллари, депутатлар томони-дан бир қатор ижобий иш-лар амалга ошириляётгани-ни вилоят партия ташкило-ти мутасаддилари ҳам эъти-роф этмоқдалар. Аммо О'zLiDeP туман кенгаши раиси ўринбосари, халқ де-путатлари туман кенгаши-даги партия депутатлик гу-руҳи раҳбари Каромат Ра-сулованинг кенгаши фаоли-ятини акс эттирувчи айрим ҳужжатлар ва баённомалар-ни кўрсата олмагани, бош-қача айтганда, «Йигилиш баённомаларининг бошқа кишида» сақланиши тўғри-сидаги мулоҳазалари киши-да бироз шубҳа уйғотди.

Тўғри, гап икки ёки уч варақ қораланган қоғозда эмас. Бизни сўхбат давомида

бошқа нарса кўпроқ қизиқ-тирди. Яъни, О'zLiDeP ту-ман кенгаши депутатлик гу-руҳи раҳбари ташкиллагани-дек, йигилишларда қўрилган бир қатор масалалар масъул идораларга ижро учун юбо-рилган. Ҳўш, улар қандай натижа берди? Чунки бугун-ги сайловчи қуруқ сўзларга эмас, аксинча, аниқ натижа-ларга қараб сиёсий партия-лар фаолиятига баҳо бераёт-ганини унутмаслик керак. Ўйлаймизки, О'zLiDeP ту-ман кенгаши мутасаддилари ҳам бу фикрга қўшилишлар. Аммо юқоридикиде шубҳа-ли ҳолатлар тилга олинган натижаларга соя ташлаши мумкинлигини ҳам унутмас-лик керак.

### Эълон

**SD PAPER**  
M4K корхонаси  
2.5 кг. A4 ҳажмидаги офсет қорозларини таклиф этади.

**SD PAPER**  
Laser, copier and inkjet  
A4 80 500  
100% Performance Guaranteed

Манзил: Тошкент ш. Уфёвистон шоҳ кўчаси, 16 А-уй. Муружаат учун телефон: 336-18-18, 245-37-77, 240-49-04.

### ИНТЕНСИВ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА

Қашқадарё вилоятида балиқчилик билан шугулланаётган тadbиркорлар сафи тобора кенгаймоқда. Айни кунда вилоятда шу соҳага ихтисослашган 88 тadbиркорлик субъекти фаолият юритмоқда. Вилоятда 14 минг гектардан зиёд табиий, 624 гектар сунъий сув ҳавзалари мавжуд. — Балиқ — шифобахш неъмат, — дейди Шахрисабз туманидаги «Баратова Гулсара Абдинабиевна» фермер хўжалиги раҳбари Шерали Баратов. — Тиббиётчиларнинг фикрича, унинг одамнинг юраги бакувват, кўзлари ўткир бўлишида аҳамияти катта. Қолаверса, балиқчилик яхшигина даромад ҳам келтиради. Давлатимиз томонидан балиқ парвариши учун барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилгани ишимиз ривожига, янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилмоқда. Вилоятда балиқчилик хўжаликлари озуқа базасини мустаҳкамлаш, уларга марказлашган ҳолда моддий-техник жиҳозлар етказиб бериш, кредит ва ер ажратиш каби қатор масалаларга алоҳида эътибор қаратилмаётган. Хусусан, жорий йилда 23 сунъий сув ҳавзасида янги балиқчилик хўжаликлари ташкил этилди. Уларга банклар томонидан 342 миллион сўмлик кредит ажратилди. Илғор усуллардан самарали фойдаланиш тармок ривожига муҳим ўрин тутмоқда. Бугун вилоятдаги балиқчилик хўжалиқларида интенсив технологиялар асосида иш юритилмоқда.

— Интенсив технологиялар асосида балиқ парваришмоқдамиз, — дейди «Қашқадарёбалиқ» масъулияти чекланган жамияти раиси Бекмурод Эшмуродов. — Ушбу технологиялар кичик сув ҳавзаларида ҳам кўларда боқиш мумкин бўлган балиқни парваришда имконини беради. Маълумки, бунда сув сарфи, харажатлар бир неча баробар камайдилар, даромад эса юқори бўлади. Шунинг учун ҳам кўпчилик шу технологияга катта қизиқиш билдирмоқда.

### ТАДБИРКОРЛИК — ПРОКУРАТУРА ҲИМОЯСИДА

**Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни янада ривожлантириш, уларнинг эркин фаолият юритиши учун кенг йўл очиш айти кундаги долзарб масалалардан биридир. Бу борада мулкдорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади, албатта. Жумладан, Самарқанд вилоят прокуратураси органлари томонидан тadbиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш, иқтисодий соҳадаги турли тўсиқ ва суиистеъмолчиликларга барҳам бериш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда**

Мисол учун, Иштихон туман давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бўлим бошлиғи З.Эгамқулов «Облаев Эшмамаат паррандалари» фермер хўжалиги фаолиятига асосис ара-лашиб, санитария талабномасини киритганлиги учун маъмурий жавобгар-ликка тортилган.

Текширишлар давомида, шунинг-дек, тadbиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказишда улардан ортиқча ҳужжатлар талаб қилиш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. Дейлик, Ургут туман ҳокимлиги ҳузурдаги тadbиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш ин-спекцияси бошлиғи З.Мирмаҳмудов «Сам нано пластик» ва «Ургут бизнес барак» масъулияти чекланган жамия-тларини давлат рўйхатига олишда қонун меъёрларига тўла риоя этмаган-лиги учун интизомий жавобгарликка тортилган.

Вилоятда мулкдорларнинг ҳуқуқий манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқ-да. Пастдарғом туманидаги «Истиқлол» фермер хўжалиғига тегишли бўлган 0,24 гектар ер майдони 4 нафар фука-ро томонидан ўзбошимчилик билан эгаллаб олинганлиги аниқланди. Туман прокуратураси томонидан ер майдони-ни хўжаликка қайтариш ва қонунбу-зарлик ҳолатини бартараф этиш юза-сидан судга ариза, шунингдек, ер ре-сурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи номига тақдимнома киритил-ди. Афсуски, бунга ўхшаш мисоллар оз эмас.

«Самарқандавтойўловчитранс» шўъба корхонаси манфаатини қўзлаб, «Жума пахта заводи» АЖ, «Зиёвуддин толаси» ОАЖ, «Зирабулоқ пахта заво-ди» ОАЖ, «Челак пахта заводи» ОАЖ ва «Янгиқўрғон пахта заводи» ОАЖ-дан жами 1,2 млрд. сўм миқдоридagi қарзни ундириш бўйича вилоят хўжа-лик судига даъво аризаси киритилган.

Таъкидлаш жоизки, вилоят проку-ратураси органларида «Ишонч теле-фонлари» ўрнатилган бўлиб, йилнинг олти ойи давомида уларга 57 та муру-жаат келиб тушган. Шундан аксария-ти қаноатлантирилди ва тadbиркорлар-нинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Каттақўрғон туманидаги «Уйшун» фермер хўжалиги раҳбари Ф. Мардонов

прокуратуранинг «Ишонч телефони»-га муружаат қилиб, «Зарафшон ири-ригация тизимлари ҳавза боқармаси қошидаги гидрогеология-мелиоратив экспедицияси» томонидан белгилан-ган зовур қазиларни бажарилма-ётганлигини билдирган эди. Қўрилган чора-тadbирлар натижасида фермер хўжалиги ҳудудида ирригация зову-рини қазилар таъминланди ҳамда аниқ-ланган қонунбузилиш ҳолатини бар-тараф этиш юзасидан гидрогеология-мелиоратив экспедицияси бошлиғи номига тақдимнома киритилди. Шу-нингдек, «Толмос ота» МЧЖ раҳ-бари Ф.Бозорбоевнинг Пайариқ туман прокуратураси «Ишонч телефони»га қилган муружаотига асосан Халқ бан-кининг Челак филиалидан жамиятга 90 млн. сўм кредит ажратилиши таъ-минланди.

Умуман, ўтган давр мобайнида ви-лоят прокуратураси органлари арала-шуви билан тadbиркорлик субъектла-рига 19,8 гектар ер майдони, 18 на-фар мулкдорларга 423,5 млн. сўм кре-дит ажратилишига эришилган, улар-нинг 17 нафарига 11,8 млн. сўм миқ-доридagi қарзларни ундириш, 10 на-фарига рухсат берувчи ҳужжатлар олиш, 26 нафарини давлат рўйхати-дан ўтказишда амалий ёрдам кўрсати-лган. Натижада 87 нафар тadbиркорнинг ҳуқуқлари тикланиб, улар томонидан 263 та янги иш ўрни яратилди.

Ушбу йўналишда ўтказилган тек-шириш якунларига кўра, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича прокуратура органлари томонидан 8 та тақдимнома киритил-ган, ноқонуний қарорларга нисбатан 2 та протест келтирилган, 7 нафар мансабдор шахс интизомий ва маъму-рий жавобгарликка тортилган, етказ-илган 1,5 млрд. сўм миқдоридagi за-рарни ундириш ҳақида судларга 57 та даъво аризаси киритилган. Қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 2 та жиноят иши кўзга тилган. Шулар-нинг ўзи тadbиркорлик субъектлари-нинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш вилоятда устувор вазифалардан бирига айланганидан далолат беради, албатта.

**Бош прокуратура матбуот хизмати.**

### Банк тизими

## «Универсалбанк»дан муносиб туҳфа

**Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда бир қатор хусусий банклар фаолияти йўлга қўйилди**

**Акбар МУЗАФФАРОВ,**  
«XXI ASR»

Ўтган давр мобайнида улар молия бозоридан му-ҳим ўрин эгаллаб, халқ хўжалиги тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда-лар. Жумладан, хусусий очик акциядорлик-тижорат «Универсалбанк» ҳам ит-тиқлол йилларида миждо-ларнинг ишончли ҳамко-рита айланди. Банк жамоа-си тинимсиз изланиш ва манфаатли ҳамкорлик на-тижасида қатор муваффа-қиятларга эришмоқда. Унинг фаолияти халқаро миқдoда ҳам эътироф эти-лаётганлиги бежиз эмас. Ҳусусан, дунёдаги етакчи рейтинг компанияларидан бири — «Fitch Ratings» ушбу банкнинг кредитлар-ни ўзлаштириш даражаси-га «ССС», дея баҳо берди. Истиқболимизнинг 21 йил-лиги арафасида «Универ-салбанк» фаолиятига бун-дай юксак баҳо берилиши байрамга арзирли туҳфа



бўлди, дейиш мумкин. Кўп-қўл мамлакатларда ҳали-ҳануз сақланиб қола-ётган иқтисодий инқироз шароитида пул-кредит му-носабатларини оқилона ташкил этиш муҳим аҳамия-тга эгадир. Зеро, «Универ-салбанк» миждо-лар кўнгли-га йўл топаётган ишончли молиявий ташкилотлардан

бири саналади. Унинг сар-момиялари асосан юрт истиқ-болли ва аҳоли фаровонли-ги йўлида хизмат қилаётган. Айни пайтда ушбу молия муассасаси кириб бормаган соҳанинг ўзи йўқ. Банк жа-моасининг бирдан-бир мақсади миждо-ларга кўрсатилган замонавий, уни-версал хизматлар кўлами-

ни янада кенгайтиришдир. Бунинг учун барча куч ва имкониятлар сафарбар этилмоқда. Шубҳа йўқки, банк жамоаси муқофотдан руҳ-ланиб, миждо-лар манфаати, оилаваримиз фаровонлиги йўлида меҳнат қилиш ҳақида изланишдан чарча-майди.

### Эълон

#### ЭНДИ ТАДБИРКОР ТЕЛЕФОН БИЛАН 10 КУНДА ТАЪМИНЛАНАДИ

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори буйруғига асосан умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тизимида телефон алоқаси хизматини кўрсатиш қондаларига ўзгартиришлар киритилди. Отам.uz сайтидан олинган хабарларга кўра, янги қондаларга мувофиқ энди тadbиркорлик субъектларини телефон тизимига улаш жараёни 10 кундан ошмаслиги зарур. Таъкидлаб ўтиш жоиз: бундан аввал телефон тизимига уланмоқчи бўлган хўжалик юритувчи субъектнинг муружаоти техник имкониятлар мажбур бўлган тақдирда ариза қабул қилинган кундан эътиборан 30 кун давомида, техник имкониятлар бўлмаган вазиятда эса шартнома имзоланган кундан бошлаб 180 кун мобайнида қаноатлантирилари эди.

### Эълон

#### ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

**«ARSH SAVDO — ELIT» МЧЖ очик аукцион савдосига таклиф этади**

**Аукционда қуйидаги мулклар қўйилмоқда:**  
1. Андижон вилоят Агротехни станциясининг 16.07.2012 йилдаги 17-сонли буй-руғи ҳамда 16.07.2012 йилдаги йиғилиш баёни ва Шахрихон туман агротехни лобо-раториясининг 07.08.2012 йилдаги 11-08-сонли алоқа хатига асосан, Шахрихон шаҳар, А.Темур кўчаси, 1-уйда жойлашган Шахрихон туман агротехни лаборатория-сига қарашли 2009 йилда ишлаб чиқарилган «Матиз» русумли, давлат белгиси «60 047 САА» бўлган автотранспорт воситаси 8 360 000 (саккиз миллион уч юз олти миш минг) сўм бошланғич баҳода қўйилмоқда;  
2. «Корасув Агротех» МЧ ММТПнинг 07.08.2012 йилдаги 28-сонли алоқа хатига асосан, Кўрғонтепа тумани Корасув шаҳри, А.Темур кўчасида жойлашган «Корасув Агротех» МЧ ММТПга қарашли 1982 йилда ишлаб чиқарилган «УАЗ 452Д» ру-сумли, давлат белгиси 17 АЖ 156 бўлган автотранспорт воситаси 257 000 (икки юз эллик етти миш минг) сўм бошланғич баҳода қўйилмоқда.  
Аукцион савдоси жорий йил 10 сентябрь кунли соат 11.00 да, ушбу кунда аукци-он савдоси бўлиб ўтмади, деб эътироф этилган тақдирда такрорий аукцион сав-доси 2012 йил 12.14.17 сентябрь кунлари соат 11.00 да Андижон шаҳар А.Навоий шоҳ кўчаси, 30-уй, 215-хонада ташкил этилади.  
Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситалари билан ташкилот ва-киллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.  
Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдоридagi гаров пулини ТИФ «Миллий банк» Андижон шаҳар бўлимининг 20208000904456131001 ҳисоб рақамига МФО: 00074, ИНН: 205987298 тўлашлари шарт. Шунингдек, иштирокчилардан аризалар қабул қилиш эълон чоп этилган кундан бошлаб ҳар кунли (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) ва аукцион савдоси ўтказилишидан 1 (бир) соат олдин, соат 10.00 га қадар Андижон шаҳар, А.Навоий шоҳ кўчаси, 30-уй, 215-хонада қабул қилинади.  
Аукционда қатнашиш учун жисмоний шахслар паспорт нусхаси, юридик шах-слар жамият Низомини ва таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса, белги-ланган тартибда берилган ишончнома тақдим қилишлари лозим.  
Қўшимча маълумот учун манзилимиз: Андижон шаҳар, А.Навоий шоҳ кўчаси, 30-уй, 215-хона. Тел: +99891 606-88-81

Гувоҳнома № 00126

22970 рақами билан рўйхатга олинган, «В 566915» серияли Исломов Хуршид Абдумажитовичга тегишли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

# Халқаро ҳаёт

## Нотинч дунё

**Жаҳон оммавий ахборот воситалари кейинги ўн йилда дунёда содир этилган ҳарбий тўқнашувлар натижасида 2 млн.дан зиёд вояга етмаган болалар қурбон бўлишганини, 10 млн.дан ортиқ норасида гўдаклар турли даражада тан жароҳати олишганини таъкидламоқдалар**

Файзулло АБДУЛБОКИЕВ

Донлар тинчлик — цивилизация неъматидир, уруш эса унинг офатидир, дейдилар. Дарҳақиқат, глобал миқёсдаги иқтисодий ва молиявий инқироз давом этаётган ҳозирги кунларда дунё халқлари учун тинчликни сақлаб қолиш, одамларнинг яшаш ҳуқуқини таъминлашдан ҳам муҳимроқ вазифа йўқ эканлиги тобора чуқурроқ аён бўлмоқда. Ҳақиқатан ҳам тинчлик, деб аталмиш неъмат бўлмас экан, тараққиёт ҳам, ўсиш ҳам, фаровон ҳаёт ҳам бўлмайди.

Тарихий тараққиёт мангиги дунё ишларига қора кучлар эмас, донишмандлар тасвир кўрсатгандагина тинчлик ҳукм суражагини исботлади. Афсуски, одамзот ҳар доим ҳам донишмандлар фикрига қўлоқ осмайди. Аксинча, калтабин сиёсатчиларга кўпроқ ён босилади. Натижада энг нозик масала — муносабатлар бузилиб, дунёнинг чигалликлари баттар таранглашади. У ёки бу ҳудудда уруш хавфи кучайиб, тинчлик неъматидан ҳавф остида қолади. Асрлар давомида юз берган қонли урушлар тарихини таҳлил этсак, қўз олдимизда бағоят даҳшатли манзара пайдо бўлади. Ўтган ярим аср мобайнида дунё халқлари 14500 та катта ва кичик урушларга гувоҳдир. Бу урушлар камидан 3 млрд. 600 млн. кишининг ёстигини қуритганини тарихчилар бот-бот такрорламоқдалар. Биргина I ва II жаҳон уруши даврида 70 млн. киши ҳаётдан қўз юмди.

Энг ачинарлиси, ана шундай урушларда кўп азият чекканлар инсоният келажиги саналмиш болалар ва аёллар бўлди. Одатда ҳимояга, ёрдамга ёки алоҳида гамхўрликка муҳтож ана шу табақа вакиллари ҳаётини ташвишлардан холи этиш, улар осмонини қора булутлардан тозалаш ҳар доим ҳам муқаддас бурч бўлиб келган. БМТнинг халқаро болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ ва қатор халқаро ҳамда минтақавий ташкилотлар ана шу навиқирон авлод турмуш фаровонлигини юксалтириш, улар ҳаётини турли-туман офатлардан асраш, ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган саяё-ҳаракатларни амалга ошириб келмоқда. Жаҳон ҳамжамиятининг қашшоқлик ва очликни тугатиш, саводсизликка барҳам бериш, қочоқлар муаммосини ҳал этишга қаратилган чора-тадбирлари биринчи галда болалар тўғрисидаги гамхўрлик ифодаси, албатта. Зеро, юқорида тилга олинган иллатлар, аввало, жаҳон болаларининг ҳаётини издан чиқармоқда. Афсуски, XX аср саҳнасида юз берган ҳар икки жаҳон уруши, она заминимизда бўлиб ўтган ва ҳозир ҳам давом этаётган кўп сонли

урушлар ва ҳарбий тўқнашувлардан биринчи галда болалар жабр кўрмоқдалар. Охириги ярим аср мобайнида халқаро гуманитар ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари соҳасида бир қатор конвенциялар қабул қилинганига қарамай, ҳимоясиз болалар ва аёлларга нисбатан шайқатсиз муомалада бўлиш, уларни зўрлаш, қийнаш ва ўлдириш, аксарият ҳолларда ёш болаларни урушга ёллашдек оғир иллатларга ҳар қадамда дуч келмоқда. Шу кунларда ҳам дунёнинг қатор ҳудудларида сайёрамиз ҳаётига ҳавф солаётган маҳаллий ва этник урушлар, миллий низола давом этаётгани афсусланарли ҳолдир.

Айниқса, шу кунларда Аф-


на Руандада юз берган маҳаллий низола чоғида 300 мингдан ортиқ норасида ҳалок бўлгани ҳақида маълумотлар тарқатилган эди. ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, охириги ўн йилда юз берган ҳарбий тўқнашувларда камидан 2 млн. вояга етмаган болалар қурбон бўлгани, 10 млн. дан ортиқ гўдаклар майиб-мажруҳ бўлгани етмаганидек, ота-оналари ва бошпаналаридан айрилишган. Яна миллионлаб болаларнинг тўйиб овқат эмаслиги, очарчилик ва турли хасталиклардан қўз юмаётганлигига гувоҳ бўлмоқдамиз. Халқаро ҳамжамият Фаластин муҳториятида “болалар терроризми” ўсиб бораётганлиги борасида бекорга бонг урмаганди.

**ЖАҲОН БЎЙЛАБ ДОН ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХИНИНГ ТОБОРА ЎСИБ БОРАЁТГАНИ ВА БУНДАН, АВВАЛО, КЕЛАЖАК ЭҒАЛАРИ — ЁШЛАРНИНГ ЖАБР КЎРАЁТГАНИ ҲАМ ЖАМОАТЧИЛИКНИ ЖИДДИЙ ТАШВИШГА СОЛМОҚДА. ЧУНКИ ШУ ПАЙТГА ҚАДАР МЎЛ-КЎЛ БЎЛИБ КЕЛГАН БУ МАҲСУЛОТЛАР ЭНДИЛИҚДА ТОМ МАЪНОДА ЎЗ ҚАДРИНИ КЎРСАТА БОШЛАДИ.**

риқа ва Осиёнинг айрим мамлакатларида авж олган ички ҳарбий тўқнашувларни кўз олдимизга келтирсак, даставвал, гўдаклар тақдирини издан чиқараётган даҳшатли ва аянчли ҳолат ёдимизга тушаверади. Таъкидлаш керакки, II жаҳон уруши якунланганидан бери то шу кунгача 150 дан ортиқ маҳаллий ва этник низола, кенг миқёсдаги жоғролар юз берди. Бу жангу жадалларга 8-9 ёшли болаларнинг ҳам жалб этилаётгани кенг жамоатчиликнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўляпти. Келинг, шу ўринда айрим мисолларга мурожаат қилайлик. Умумий маълумотларга қараганда, кейинги 10 йил мобайнида дунёнинг 41 мамлакатидеги қуролли тўқнашувларда 300 мингга яқин ёш болалар иштирок этган. Аммо бу рўйхат унчалар тўлиқ эмас. Чунки БМТ фақат Хавфсизлик Кенгашида муҳокама қилинган “қайноқ нуқталар”даги вазиятни ҳисобга олган, ҳоло. Болаларни урушга жалб этаётган мамлакатлар сифатида Афғонистон, Мьянма, Колумбия, Бурунди, Конго Демократик Республикаси, Либерия, Сомали, Судан, Чад сингари давлатларнинг номлари алоҳида тилга олинапти, ки, жоғронинг тўғтовсиз давом этаётгани оқибатида ана шу мамлакатларнинг аксариятида урушга одаланиб қолган янги бир авлод шаклланиб улгурди. Улар учун ўқиш, таълим-тарбия олиш, ишлаб чиқариш билан шуғулланиш шунчаки орзуга айланди. Экспертларнинг қайд этишларича, айниқса, аскар болалар хизматидан Африка давлатларида ҳам исёнчилар, ҳам ҳукумат вакиллари бирдек фойдаланишмоқда. Бирги-

Экспертлар ҳисоботида аскар болалардан фойдаланувчилар сифатида “Хамас”, “Исломо Жиходи”, “Ал-Ақсо” мужоҳидлари бригадаси, “Ҳизбуллоҳ” ва араб-исроил жоғроҳарида иштирок этаётган бошқа бир қатор гуруҳларнинг номлари тилга олинади.

Тўғри, 2000 йил 25 май кунини Нью-Йоркда имзоланган Факультатив протокол ва БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан қабул қилинган бир неча резолюциялар ҳам вояга етмаган болалардан қуролли жоғроҳарларда фойдаланишни тақиқлашни кўзда тутди. Аммо бу борада кўзга кўринарли натижага эришиш мураккаб кечаётгани ниҳоятда ачинарли ҳолдир. Чунки болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ва БМТнинг 18 ёшга тўлмаган болалардан қуролли жоғроҳарларда фойдаланишни тақиқловчи бошқа ҳужжатлари мажмур битимларга имзо чеккан айрим давлатлар томонидан умуман бажарилмаяпти. Гарчи БМТ Хавфсизлик Кенгаши болаларни урушга ёллаш ҳолатларини қоралаб, улардан ҳарбий мақсадларда фойдаланаётган мамлакатлар фаолиятини қузатиб бораётган бўлса-да, бирор-бир айбдор томоннинг жавобгарликка тортилмай қолгани бу борадаги натижаларни йўққа чиқармоқда. Таъкидлаш керакки, бошқа турдаги зўравонликлар ҳам болалар учун ёт эмас. Айрим давлатларда ёш авлод вакиллари учун мактаб эшиклари умуман ёпиқлиги, 1 млрд.дан ортиқ одамларнинг саводсизлиги, уларнинг аксариятини эса болалар ташкил этаётгани бунга исбот бўлиши мумкин. Ҳатто айрим ривожланаётган мамлакатларда мактабга жалб



этилган болаларнинг 60 фоизи турмуш қийинчиликлари туфайли ўқидан кетишга мажбур бўлаётгани, ҳар йили сайёрамизда 14 млн. гўдакнинг турли хасталиклардан нобуд бўлаётгани эса бу борадаги вазиятнинг нақадар аянчли эканини кўрсатиб турибди.

Жаҳон бўйлаб дон ва озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг тобора ўсиб бораётгани ва бундан, аввало, келажак эгалари — ёшларнинг жабр кўраётгани ҳам жамоатчиликни жиддий ташвишга солмоқда. Чунки шу пайтга қадар мўл-кўл бўлиб келган бу маҳсулотлар эндиликда том маънода ўз қадрини кўрсата бошлади. Галла, дон нархининг кескин ўсиши аксарият экспертлар таъкидлаётганларидек, ҳақиқатан ҳам ачинарлидир. Дунё бозорида илгари кузатилмаган бундай нохуш манзара БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги агентлиги (FAO) мутахассислари томонидан ҳам сўнгги ўн йиллар ичидаги энг баланд чўққи, дея эътироф этиляпти.

Агар мутахассислар ҳулосасига таянсак, бунга асосий сабаб биринчи галда дунёнинг асосий галла етиштириладиган давлатларида ҳукм сурган қурғоқчилик ҳамда бир вақтнинг ўзида Ҳиндистон ва Япония каби мамлакатларда унга талабнинг ошиб кетганидир. Ноқулай об-ҳаво шароити ана шу маҳсулот миқдорининг кескин камайиб кетишига олиб келди. Қолаверса дунё бўйлаб галла майдонларининг деярли 20 фоизга қисқаргани ҳам вазиятни янада кескинлаштириб юборди. Шубҳасиз, бундай омиллар ҳам нотинч дунё болалари аҳво-

лини оғирлаштирмоқда.

Албатта, дунёнинг сиёсий қийёфасини белгилашда, жаҳоннинг тинч ёки нотинч бўлишида муҳим стратегик минтақалардан бири умумий ҳудуди 4 млн. кв.км.га тенг, аҳолисининг сони 70 млн. нафардан ортиқ Марказий Осиё ҳам алоҳида ўрин тутди. Минтақадан афғон жоғроҳарини барқараф этиш, фаровонликка эришиш, халқаро терроризм ва наркотиклар савдосига чек қўйиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ёш авлод таълим-тарбияси учун қулай шароит яратиш борасида ибратли ишлар амалга оши-

риляпти. Марказий Осиёнинг 60 фоизини 25 ёшга етмаганлар ташкил этаётган Ўзбекистонда таълим-тарбия масаласига алоҳида эътибор қаратиляпти. Едингизда бўлса, бир неча йил муқаддам ЮНЕСКО экспертлари Ўзбекистоннинг таълим тизимини МДҲдаги энг яхши тизим, деб эътироф этганлар. 1999 йили Халқаро олий мактаб академиясининг президенти Валентин Шукшенов Президент Исломо Каримовга академиянинг “Фахрий академиги” унвонини тасдиқловчи дипломи топишар экан, ўзбекча умум-

таълим модели фақат бу мамлакат учунгина муҳим бўлиб қолмасдан, экспорт қилинадиган ўзига хос технология эканлигини, бу технологиядан дунёнинг бошқа мамлакатлари муваффақиятли фойдаланишлари мумкинлигини таъкидлаб ўтганди. Хуллас, фақат билимли, маърифатли жамиятгина демократик тараққиётнинг барча афзалликларини қадрлай олишини ҳаётий таърибга исботлади.

Бу омиллар етишмаган давлатларда вазиятнинг нақадар аянчли эканини кундалик хабар ва воқеалар орқали кўриб-билиб турибмиз.

### Воқеалар, далиллар, шарҳлар

#### ЖАЗИРАМА ЖАБРДИЙДАЛАРИ




Япониянинг қарийб 20 минг аҳолиси ўтган ойда бошланган ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиши натижасида тиббий ёрдамга муҳтожлик сезмоқда. Маълумотларга кўра, ҳаво ҳароратининг хаддан зиёд иссиши асосан Хонсю оролида авжга чиққан. Сайтама префектурасида ҳавонинг ҳарорати 37-38, Гумма префектурасида эса 37 даражага етган. Бунинг устига ҳаво намлиги ҳам ортиб борапти. Ноқулай об-ҳаво туфайли мамлакатда 50 нафар киши ҳалок бўлгани айтилмоқда.

#### КОЛИЗЕЙ ҚИЙШАЙМОҚДА



Рим шаҳрининг қарийб 2 минг йиллик тарихга эга машҳур Колизей бир томонга оға бошлаган. Кўплаб гладиаторлар жангига гувоҳ бўлган ушбу амфитеатр таҳминан 40 сантиметрга қийшайган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, йилига 4 млн. сайёҳни қабул қилувчи Колизей яқинда метро ва катта автомобиль йўли ўтган бўлиб, шу сабабли юзга келадиган силкинишлар бинога шикаст етказган бўлиши мумкин.

#### ЭРИНМАГАН ХИТОЙЛИК



Хитойлик Чен Гуанминг Лондонда ўтказиладиган Олимпия ўйинларига уч гилдиракли велосипедда келган. Қарийб 60 минг километрлик йўлни 2 йил деганда босиб ўтган Гуанминг шу вақт оралиғида 16 та мамлакат ҳудудидан ўтган. «Лондон-2012» мусобақалари якунига етгач, сайёҳатчи Шимолий Америка орқали навбатдаги Олимпия ўйинлари мезбони бўлган Бразилияга йўл олади.

#### ОБАМА ОЛДИНДА



АҚШда ўтказилган сўнгги сўровномалар натижасига кўра, респондентларнинг 51 фоизи мамлакатнинг амалдаги президенти Барак Обамани навбатдаги президентлик сайловларида қўллаб-қувватлашга хайрихоҳ эканлигини билдирган. Катнашчиларнинг 41 фоизи эса Массачусетснинг собиқ губернатори, Обаманинг асосий рақиби Митт Ромнини қўллаб-қувватлашга маълум бўлди. Мутахассисларнинг фикрича, ўтказилган охириги саккизта сўровнома якунлари бўйича Обама доимий равишда етакчиликни сақлаб келаяпти. Эслатиб ўтамиз, АҚШда навбатдаги президентлик сайловлари жорий йилнинг 6 ноябрда ўтказилади.

Ақбар МУЗАФФАРОВ тайёрлади.

**XXI ASR**  
Ijtimoiy-siyosiy gazeta

**ОБУНА**  
ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80,  
E-mail: axborotXXIasr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

**Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat'iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz loqayd kishilardan yaxshidir.**

